



O'zbekiston Respublikasi  
Ichki ishlar vazirligi nashri

# Postda На посту

2023-yil  
19-yanvar  
payshanba

№ 3 (4593)

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида**

Мамлакатимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини юксалтириш, профессионал миллий армияни шакллантириш, давлат хавфсизлиги ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашдаги катта хизматлари, жамиятда тинчлик ва барқарорликни, халқимиз осойишталигини сақлаш,

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ибратли фаолияти, шарафли ва муқаддас бурчини бажаришда мардлик ва жасорат кўрсатгани, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қўшган муносиб ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

**«Жасорат» медали билан**

**Джалилов Анвар Химматиллоевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Самарқанд вилояти бўйича махсус отряди гуруҳ командири



## МАШАҚҚАТЛИ ХИЗМАТНИНГ МУНОСИБ БАҲОСИ

Мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Ички ишлар вазирлигида тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тадбир аввалида давлатимиз раҳбарининг осойишталигимиз посбонларига йўллаган байрам табриги ва уларнинг бир гуруҳини Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирлаш маросимида бағишланган лавҳа намойиш этилди.

Ички ишлар вазири, генерал-

лейтенант Пўлат Бобожонов янги Ўзбекистонда ўз ҳаётини элу юрт осойишталигини сақлашдек улғ ва олижаноб ишга бағишлаган, жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш йўлида фидойилик билан хизмат қилиб келаётган ички ишлар органларининг барча ходимлари, ҳарбий

хизматчилари, таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тингловчи-курсантлари, фахрийлар ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларини байрам билан қутлади.





## Байрам тадбири

МАШАҚҚАТЛИ ХИЗМАТНИНГ  
МУНОСИБ БАҲОСИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

Вазир сўнгги йилларда Қуролли Кучларимизни модернизация қилиш, ҳарбий-техник ва жанговар салоҳиятини юксалтириш, ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний ва маънавий тайёргарлигини ошириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани, натижада улар ўзларининг профессионал тайёргарлик даражаси бўйича дунёдаги етакчи мамлакатларнинг ҳарбийларидан қолишмаётгани, хусусан, 2022 йилда ўтказилган VIII халқаро армия ўйинларида вакилларимиз 2-ўринни эгаллаб, мусобақа давомида 22 та рекорд натижани қайд этганлиги ҳам бунинг яққол



раҳбариятидан беҳад мамнунман.

– Ватанимиз осойишталиги йўлида фидойилик билан хизмат қилиш мен учун шону шарафдир, – дейди «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби, ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли Навоий вилоятида жойлашган 7551-ҳарбий қисм бошқарув гуруҳи командири – қоровул бошлиғи, катта сержант Асрор Нурмуродов. – Менга берилган ушбу мукофот юртимиз тинчлигини кўз қорачигидек асрашимда янада масъулият ва куч-ғайрат бағишлайди.

Тантанали маросимда, шунингдек, Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожоновга Турон Фанлар Академияси прези-

лар Академиясининг 23 та мамлакатда 800 га яқин аъзолари бор. Академия томонидан самарали фаолият юритаётган юқори малакали олимлар, ибратли иш фаолияти билан ёшлар таълим-тарбиясига катта ҳисса қўшаётган турли соҳа вакилларига маънавий рағбатлантириш мақсадида «академик» (ҳақиқий аъзо), «фахрий академик» (фахрий аъзо), «фахрий профессор» ва «фахрий доцент» илмий унвонлари, шунингдек, «фахрий фан доктори», «фахрий фан номзоди» илмий даражалари берилди.

Кўтаринки кайфиятда ўтган тадбирда эл-юрт осойишталигини таъминлаш йўлида фидойилик кўрсатиб, хизмат бурчига виждонан,



исботи эканлигини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, вазир ҳозирги таҳликали замон ички ишлар органларида хизмат қилаётган ҳар бир ходим ва ҳарбий хизматчидан юртга содиқ, хизмат бурчига фидойи, улуғ аждодларимизга муносиб ворис бўлишни, улар олдидаги фарзандлик бурчини асло унутмасликни тақозо этишини айтиб ўтди. Шу билан бирга, Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг «Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили» деб эълон қилиниши ҳам тизимда фаолият олиб бораётган барча осойишталик посбонлари зиммасига катта масъулият юклаши ҳамда мамлакатимиз аҳолисининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда янада чуқур ёндашув талаб этишини билдирди.

Шундан сўнг Президентимиз фармонида кўра, мам-

лакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг мувофақ қудратини юксалтириш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни асраш, ёшларимизни она Ватанга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги самарали фаолияти учун бир гуруҳ ички ишлар органлари ходимлари ва ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг юксак мукофотлари, Ички ишлар вазирининг буйруғи билан бир гуруҳ осойишталик посбонлари ва фахрийлар ИИВнинг идоравий мукофотлари билан тантанали равишда тақдирланди. Тадбир давомида навбатдаги «полковник» махсус унвонлари ҳам ўз эгаларига топширилди.

– 2008 йилда ички ишлар органларидан ноҳақ айблов туфайли четлаштирилган эдим, – дейди ИИВ Ташкилий департаменти Ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи ўринбосари,



полковник Нурулла Қаюмов. – Давлатимиз раҳбарининг чексиз ғамхўрлиги боис, бошига оғир кунлар тушган барча инсонлар қатори мен ҳам оқланиб, 2018 йилдан буён ўз касбимда фаолиятимни давом эттиряпман. Байрам муносабати билан «полковник» махсус унвони билан тақдирланганим учун Президентимиз ва вазирлик

денти, академик Ҳайдарбек Бобобеков томонидан мазкур нуфузли академиянинг аъзолик гувоҳномаси ва кўкрак нишони, Ички ишлар вазири маслаҳатчиси, генерал-полковник Зокиржон Алматовга «академик» илмий унвони гувоҳномаси топширилди.

Маълумот ўрнида таъкидлаш жоизки, Турон Фан-

сидқидилдан ёндашиб келаётган ички ишлар органлари ходимларининг тақдирланиши мамлакатимизда инсон шаъни, кадр-қиммати юксак қадрланишининг ёрқин ифодаси бўлди.

**Михли САФАРОВ,**  
«Postda» муҳбири.  
**Абу КЕНЖАЕВ**  
олган суратлар.





## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида**

### «Содиқ хизматлари учун» медали билан

**Джойлиев Акрам Эргашевич** – Тошкент вилояти Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати отряд инспектори

**Қурбонов Элёржон Зокиржонович** – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси йўл-патруль хизмати инспектори

**Нурмуродов Асрор Эшдавлатович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Расулов Иляс Рустамкулович** – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғининг ўринбосари

**Халиқов Убайдулла Хусанович** – Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ички ишлар бўлими бўлинма бошлиғи

**Шаропов Кахрамон Ходиевич** – Тошкент шаҳар Чилонзор тумани бўйича Ички ишлар органлари фао-

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

лиятини мувофиқлаштириш бошқармаси профилактика катта инспектори

### «Шуҳрат» медали билан

**Жуманов Элёр Мухаммадович** – Жиззах вилояти Дўстлик тумани ички ишлар бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Ибрагимов Шуҳрат Жавлиевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Термиз халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш бўйича батальони назоратчиси

**Мадрахимов Давронбек Матякубович** – Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони бўлинма командири

**Тоҳиров Ҳамза Ҳакимович** – Бухоро вилояти Ички ишлар бошқармаси ҳарбий сафарбарлик бўлими бош инспектори

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти **Ш.МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2023 йил 12 январь.

### Юксак мукофот соҳиблари

## ОТА КЎРСАТГАН ЙЎЛ

**Шуҳратжоннинг отаси Жовли ака Шўрчи тумани Мудофаа бўлимининг қурол-аслаҳа омборида ишларди. Ўша ердаги қуролларни кўриш, ҳарбийлар ҳақидаги қизиқ-қизиқ ҳикояларни эшитиш унинг жону дили эди. Шу боис отасидан иш-хонасига олиб боришни сўраб чарчамасди. Ўшанда Жовли ака кун келиб, ўғли юрт посбони бўлишини юрак-юрагидан ҳис қилганди.**

Орадан йиллар ўтиб, Шуҳрат Ибрагимов Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмлардан бирида муддатли ҳарбий хизматни ўтади. 2003 йили Термиз халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш батальонида хизмат фаолиятини бошлади.



– Ҳаёт йўлимни юрт осойишталиги билан боғлаганимга роппа-роса 20 йил бўлибди, – дейди Термиз халқаро аэропортида хавфсизликни таъминлаш батальони 1-қўриқлаш взводининг биринчи тоифали назоратчиси, III даражали сержант Шуҳрат Ибрагимов. – Хизмат вазифамни бажариш жараёнида кўп ҳолатларга гувоҳ бўлдим, турфа табиатли, ҳар хил тоифадаги инсонларга дуч келдим...

Ҳамон шарафли бурчини ўташ давомида «ҳалол меҳнат қилган одамнинг боғи кўкаради» деган ақидага амал қилиб, ўзига берилган вазифани виждонан бажариб келаётган Ш.Ибрагимов фидойилиги сабаб

катта ҳурмат-эътиборга сазовор бўлди.

– Отам Афғон уруши қатнашчиси бўлиб, қатъиятли ва мард киши эди, – деб эслайди Шуҳрат Ибрагимов. – Ҳар доим бизга эл-юрт манфаати йўлида ҳамма бир тану бир жон бўлишини уқтирар эди. Акам иккимиз ана шу тушунча таъсирида улғайдик ва иккимиз ҳам ҳарбийликни танлаб, адашмадик.

Ўз касбидан бахт топган Шуҳрат Ибрагимов Ватан ҳимоячилари куни арафасида Президентимиз фармонига биноан «Шуҳрат» медали билан тақдирланди. Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Пўлат Бобожоновдан ушбу юксак мукофотни қабул қилиб оларкан, қахрамонимизнинг кўз олдида марҳум отасининг мамнун чеҳраси гавдаланди. Падари бузруквори кўрсатган йўл энг тўғри йўл, Ватан учун фидо қилинган умр эса энг мазмунли умр эканига яна бир бор амин бўлди.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**  
«Postda» мухбири.

Сурхондарё вилояти.

## УНВОН МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармони билан Ички ишлар вазири ўринбосари – Жамоат хавфсизлиги департаменти бошлиғи, полковник **Абдуллаев Бекмурод Тожимирзаевичга** «генерал-майор» махсус унвони берилди.



**Ватанимиз тинчлик-осойишталигини сақлаш, жамоат тартиби ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қўшган муносиб ҳиссаси ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 31 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан қуйидаги ходимларга навбатдаги «полковник» махсус унвонлари берилди:**



**Қаюмов Нурулла Чоршанбиевич** – ИИВ Ташкилий департамент бошқарма бошлиғининг ўринбосари.



**Хусанов Шуҳратилла Артикбаевич** – ИИВ Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш департаменти бошқарма бошлиғи ўринбосари.



**Дусанов Эшқабул Эрназарович** – ИИВ Жазони ижро этиш департаменти тергов ҳибсхонаси бошлиғи.



**Бердикулов Сирожжон Насипкулович** – ИИВ Академияси кафедра бошлиғи.



**Исмоилов Юсуфбек Исроил ўғли** – Навоий вилояти ИИБ Хизмат бошлиғи ўринбосари.



**Кучаров Чори Авлаёрович** – Тошкент вилояти ИИБ Марказ бошлиғи ўринбосари.

**Ҳамкасбларимизни унвон билан табриклаб, уларнинг эл-юрт осойишталигини асрашдек шарафли ва масъулиятли хизмат фаолиятида муваффақият тилаб қоламиз.**



## Награжденные Родиной

В любое время, в любых условиях на улицах и площадях, в жилых массивах и махаллях несут службу сотрудники ППС. Высокую ответственность в деле обеспечения общественной безопасности проявляет инспектор отряда ППС по третьей региональной зоне ГУВД Ташкентской области рядовой Акрам Джойлиев.

– В органах правопорядка с 2008 года, – говорит герой очерка. – Ни разу не сомневался в сделанном в свое время выборе, напротив, горжусь, что стою на страже мирной жизни, спокойствия соотечественников.

Благодаря добросовестному отношению к порученному делу Акрам Джойлиев снискал уважение коллег. Он отмечает, что в его профессиональном становлении велика роль наставников, в числе которых ныне старший сержант в отставке Зокир Ризаев, более двух десятилетий прослуживший в ППС.

Рядовой А. Джойлиев подает пример молодым

стражам порядка. При расстановке сил и средств отряда ему как опытному сотруднику поручаются наиболее ответственные участки дислокации. С его непосредственным участием в ходе автопатрулирования на территории третьей региональной зоны были задержаны и доставлены в ОВД несколько лиц, уличенных в незаконном обороте наркотиков, скрывающихся от правосудия. Пристальное внимание он уделяет лицам, действия которых вызывают подозрения: нередко при них обнаруживаются колюще-режущие предметы. Сотрудник не-



## НА ПЕРЕДНЕМ КРАЕ

к плечу со старшим товарищем.

Указом Президента за образцовую деятельность по сохранению мира и стабильности в обществе, спокойствия народа рядовой А. Джойлиев удостоен медали «Содиқ хизматлари учун».

Готовя материал, мы связались с мамой Акрама Джойлиева, Шириной-она:

– Когда пришла добрая весть о том, что сын отмечен столь высокой наградой, мое сердце переполнило чувство гордости за него. Искренне поздравляют с этим важным событием близкие, соседи, махаллинцы.

– Медаль – это оценка труда всех моих коллег, с кем несу службу, – подчеркнул Акрам Джойлиев.

– Буду и дальше стоять на защите прав, свобод и законных интересов граждан, на страже их безопасности.

**Радик ТУМПАРОВ,**  
корреспондент  
«На посту».

Ташкентская область.

## В образовательных учреждениях МВД

## ПРОЯВИЛИ КОМАНДНЫЙ ДУХ

В Академии МВД Республики Узбекистан состоялся смотр-конкурс «Состязание смелых», приуроченный к 31-й годовщине образования Вооруженных Сил Узбекистана и Дню защитников Родины.



В конкурсе приняли участие команды «Ўзбегим» Академии Вооруженных Сил, «Жасорат» Университета общественной безопасности, «Кутқарувчилар» Академии МЧС, «Ишонч» Таможенного института и «Мард ўғлонлар» Академии МВД.

Мероприятие включало несколько раундов, в том числе «Знакомство», «Знаки Уложей Темура»,

«Славию Отечество», в ходе которых участники показали глубокие знания, проявили смекалку и артистические способности.

По итогам всех раундов жюри подвело итоги. Первое место заняла команда Академии МВД «Мард ўғлонлар». Второго места удостоена команда «Кутқарувчилар». Третье место присуждено команде «Ўзбегим».

Определились и победители в номинациях. Так, в номинации «Самый острый курсант» отмечена представительница Таможенного института Нозима Одилова. Представитель Университета общественной безопасности Шахриёр Жабборов стал обладателем титула «Самый талантливый курсант».

Такие мероприятия способствуют проявлению юношами и девушками своих способностей и талантов, развитию у них командного духа.

Соб. корп.

## Фотоинформация



Сотрудники ОВД Гулистанского района Сырдарьинской области в эти аномально холодные дни проявляют энтузиазм в ликвидации чрезвычайных ситуаций. Они помогают пожилым людям, инвалидам, женщинам с маленькими детьми, которые находятся на улице, а также в очистке дорог от снежных завалов и перемещении автомобилей в безопасные места.

Соб. корп.





■ Инсон қадри учун

## ТОПШИРИҚ ВА ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ НАЗОРАТДА

■ Қашқадарё.

**Вилоятда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва бартараф этиш, қиш мавсумини беталафот ўтказиш борасида Ички ишлар вазири ўринбосари, генерал-майор Азизбек Икрамов бошчилигидаги ишчи гуруҳ воҳанинг шаҳар-туманларида ўрганиш ишларини олиб бормоқда.**

Ички ишлар вазири ўринбосари Қамаш туманида бўлиб, электр энергияси ва газ таъминоти ҳолатини ўрганди, кўмир захирасини кўздан кечирди. Унга талаб юқорилиги сабабли мутасаддиларга мавжуд захирани кўпайтириш, маҳалларда кўмирни ярмарка тарзида сотишни йўлга қўйиш бўйича кўрсатмалар берди. Чироқчи туманидаги ўрганишлар давомида эса «Боғишамол» маҳалласида жойлашган деҳқон бозорида озиқ-овқат



маҳсулотлари нархи билан танишилди. Туман ҳокимлиги масъул ходимига кўшимча озиқ-овқат ярмаркаларини ташкил этиш, нархларни сунъий оширмаслик бўйича тегишли топшириқ ҳамда кўрсатмалар берилди ва ижроси назоратга олинди.

Генерал-майор А.Икрамов Китоб туманининг тоғли «Қайнар» маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам бўлди. Шу ерда яшовчи фуқаро С.Бекмирзаев хонадонидан бўлган вазир ўринбосари суҳбат давомида яшаш уйини иситиш ўтин ва кўмир орқали амалга

оширилаётгани, кўмир захираси мавжудлиги, суюлтирилган газ баллонлари ўз вақтида етказиб берилаётгани, электр энергиясида узилиш йўқлиги айтилди. Ташриф доирасида оилага кундалик озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

Ишчи гуруҳнинг ўрганиш ишлари Шаҳрисабз шаҳрида давом этди. Дастлаб бу ерда ташкил этилган тезкор штаб фаолияти билан танишилиб, аҳолининг суюлтирилган ва табиий газ билан таъминланиш аҳволи таҳлил қилинди.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ Шаҳрисабз шаҳридаги 13-сонли ИДУМга ташриф буюриб, мактаб ҳолати, синфхоналари ва иситиш тизимини кўздан кечирди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасаддиларга кўрсатмалар берилди.

Ишчи гуруҳнинг ўрганишлари давом этмоқда.

**Содиқ РАҲИМОВ,**  
«Postda» мухбири.

■ Хизматларда

## ОБЪЕКТЛАР ХАВФСИЗЛИГИ ЙЎЛИДА

**Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш бошқармаси ҳамда унинг таркибий бўлинмалари томонидан транспорт инфратузилмаси объектларида жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш, йўловчилар хавфсизлигини, йўловчи ва юк поездлари хавфсиз ҳаракатланишини таъминлаш борасида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб келинмоқда.**

Ўтган йили бошқарма ходимлари томонидан 58 та жиноят аниқланди. Уларнинг 19 таси ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиш, 17 таси ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкаларни қалбакилаштириш, 6 таси гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ, 3 таси қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки кириш ва бошқа турдаги жиноятларни ташкил этди. Шунингдек, бошқарманинг жиноят-қидирув бўлинмаси ходимлари томонидан 27 та жиноий, 33 та маъмурий ҳолат аниқланиб, 2 нафар қидирувдаги шахс ушланди.

2022 йил июль ойида Қорақалпоғистон те-

мирйўл бекатига келиб тўхтаган «Тошкент – Волгоград» йўналишидаги йўловчи поезда шу ерда хизмат олиб бораётган ички ишлар органлари ходимларининг огоҳлиги натижасида поездда йўловчи сифатида кетаётган фуқаролардан бири – илгари содир этган жинояти учун қидирувда бўлган А.Д. эканлиги аниқланиб, қўлга олинган.

– Худудда 18 та корхона ва ташкилот, 30 та маҳалла, 28 та ўқув муассасаси жойлашган бўлиб, ходимларимиз асосий эътиборни ушбу ҳудудларда тезкор профилактик тадбирларни самарали ташкил этишга қаратишган. Мунта-



зам ўтказиб келинаётган «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси куни», «Темирйўлларда хавфсиз кун», «Қорадори» ва «Хонадон» тадбирларида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, темирйўл иншоотларига шикаст етказмаслик, вояга етмаган ёшларни эътиборсиз қолдирмаслик каби кўп-лаб йўналишлар бўйича профилактик тушунтириш ишлари амалга

оширилмоқда. Шунингдек, бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида темирйўлнинг аҳоли зич жойлашган ҳудудларидаги пиёдалар ўтиш жойларига огоҳлантирувчи белгилар, қўриқланмайдиган кесишмаларга огоҳлантирувчи чироқлар ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда, – дейди Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Транспортда хавфсизликни таъминлаш

бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, подполковник Азамат Бекмурзаев.

Таъкидлаш жоизки, ўтган йили 28 та жиноят ишлари бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилди. Айбдор шахслар томонидан етказилган 53 миллион сўмдан ортиқ зарарнинг тўлиқ қопланишига эришилди.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**  
«На посту» мухбири.  
Қорақалпоғистон Республикаси.



✓ *Лучшие в своем деле*

## В ПРИОРИТЕТЕ – ОТЛИЧНАЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ПОДГОТОВКА



**В каждом коллективе есть люди, знание дела и жизненный опыт которых дополняются рассудительностью, способностью поддержать, направить в нужное русло друзей и коллег. Наш собеседник – командир войсковой части № 7534 Караульных войск МВД Республики Узбекистан подполковник Алишер Шарипов.**

Герой очерка родился 21 июля 1987 года в Карманинском районе Навоийской области. Он старший из двоих сыновей. Родители растили детей в любви к родной земле и народу. Отец, Мухитдин Шарипов, учитель физкультуры, уделял большое внимание физическому воспитанию. Он передал старшему сыну спокойствие, сдержанность, аккуратность, подтянутость, а также увлечение рукопашным боем. Алишер Мухитдинович – мастер спорта в данном виде единоборств. В профессиональном плане он пошел по стопам дяди – полковника в отставке Шукрулло Мухаммадулова. По сей день отец и дядя являются его главными наставниками и советчиками.

Герой очерка достойно прошел все этапы службы. За его спиной – работа в основном на руководящих должностях в войсковых частях Ташкентской, Бухарской, Навоийской, Кашкардарьинской



областей. В апреле прошлого года его назначили командиром войсковой части № 7534 Караульных войск МВД Республики Узбекистан.

Залогом успешного выполнения поставленных задач Алишер Шарипов считает отличную выpravку

личного состава. Он регулярно присутствует на занятиях по боевой и спортивной подготовке, определяет сильные и слабые стороны военнослужащих, обращает внимание на настроение коллектива.



Маъруфу Абдуллаеву, Уктому Холматову, подполковнику в отставке Шухрату Шамсутдинову, начальнику Управления боевой подготовки Национальной гвардии Республики Узбекистан полковнику Зокиржону Чиналиеву и ныне покойному генерал-майору Шухрату Ниязову.

– Для непосвященного человека специфика правоохранительной деятельности может ассоциироваться исключительно с риском и преодолением всевозможных трудностей, но для нас, военнослужащих, главное – это радость от исполнения служебного долга, – замечает Алишер Мухитдинович. – Ничто так не влияет на результативность, как настрой, с которым приходим на службу, поэтому личный состав часто выезжает в театры, на концерты, выставки. Иногда сказанное сотруднику, отлично выполнившему работу, простое «спасибо» может поднять настроение и оказаться намного весомее материальных поощрений.

Ратный труд героя очерка не раз поощрялся руководством. Он был отмечен медалью «Бенуқсон хизматлари учун» III степени, нагрудным знаком «Ҳарбий спортчи», ведомственными грамотами и благодарственными письмами.

Алишер Шарипов – пример для своих детей – 14-летнего Мухаммадазизжона и 8-летней Мехрибону, которых вместе с супругой воспитывает с любовью и заботой. Дети посещают различные секции и кружки. Командир войсковой части мечтает о том, чтобы его чада росли всесторонне развитыми личностями, любили трудиться и рассчитывали в жизни только на себя.

**Азиза БОХОДИРОВА,**  
капитан.





## ХОТИРАЛАР ҲИКОЯГА АЙЛАНДИ

— Конимех туманига участка катта инспектори лавозимида хизмат қилган йилларим эди, — дейди истеъфодаги майор Музаффар Бахронов. — 1993 йилнинг ёзи эди. Чўл ҳудуди бўлгани учун ҳарорат 50 даражадан юқорилаб кетган. Бир куни овулларда профилактик ишлар олиб бораётганимда отлиқ чўпон олдимга келиб, қўйларни боқаятган жойида кўмилган одам мурдасига кўзи тушганини айтди.

Хуллас, чўпон отда, мен эса мотоциклда Зарафшон ва Конимех орасида ястаниб ётган Қизилқум чўлига келдик. Қарасам, одамнинг қўли ердан чиқиб турибди. Ерга кўмилган одам бир қарашда кўғирчоққа ҳам ўхшаб кетарди. Дарҳол бу ҳақида туман ИИБ Навбатчилик қисмига хабар бердим. Икки соатларда тергов-тезкор гуруҳи етиб келди. Мурда ердан ковлаб олинди. Шахсини аниқлашнинг иложи йўқ, кўмилганига тахминан 2-3 ойлар бўлган эди.



Шунинг учун бедарак йўқолганлар билан шуғулландик. Бу воқеадан уч ойча аввал Зафаробод шаҳарчасидаги кон бошқармаси бошлигининг ҳайдовчиси ишга боряпман деб чиқиб, уйига қайтиб келмагани ҳақида гап тарқалганди. Аммо оила аъзолари унинг бедарак йўқолганлиги бўйича ички ишлар органига хабар бермаганди. Суриштирув давомида ҳайдовчининг хотини эри Тошкент шаҳрида эканлигини, ундан «Мени кутманглар, иш билан шу ерда қоламан», деган маз-

мунда телеграмма олганини айтди.

Ушбу ҳолат жуда шубҳали эди. Шу боисдан масалага ойдинлик киритиш мақсадида Тошкентга хизмат сафарига жўнадим. Почтага бориб, телеграммада акс этган ёзувлар ҳайдовчининг дастхати эмаслигини аниқладим. Сўнг мурданинг чўнтагидан чиққан бир дона калитни текширишга тушдик. Ҳайдовчининг оила аъзоларини ваҳимага туширмаслик учун бошқа бир баҳона билан хонадон калитини олиб солиштирдик. Ка-

лит ўша йигитнинг хонадони калити бўлиб чиқди. Яқинлари қўл соати ҳам униқ эканлигини тасдиқлашди. Жиноят эса ўша телеграмма орқали очилди. Яъни телеграммадаги дастхат ёрдамида жиноятчи аёл ва унинг шериклари фош этилди.

Музаффар Бахронов кўп йиллар Конимех тумани аҳолисининг тинчлик-осойишталигини сақлаш йўлида сидқидилдан хизмат қилди. Қатор жиноятларни фош этишда фаоллик кўрсатди. 2000–2006 йилларда Конимех тумани ИИБ ХЧК

ва ФРБда ҳам салмоқли ишларни амалга оширди. Пенсияга чиққанидан сўнг кўпгина давлат корхоналари хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшди. 2021 йилгача Ўрмон хўжалигида ҳуқуқшунос вазифасида ишлади. Айни пайтда фарзандлар ва набиралар ардоғида умргузаронлик қилмоқда.

— Таътил вақтда набираларим тўпланишиб, атрофимни ўраб олишади. Бувиси билан иккимиз уларнинг вақтини мазмунли ўтказишга ҳаракат қиламиз. Гоҳида уларга хизмат йилларимда бошимдан кечирган, бевосита ўзим иштирок этган воқеаларни баъзи ҳолатларини сал ўзгартириб, саргузаштга бой тарзда ҳикоя қилиб бераман. Шунда кичкинтойлар нафасларини ичга ютиб тинглашади. Ҳикоям тугагач эса мени саволларга қўмиб ташлашади, — дейди қаҳрамонимиз кулимсираб.

**Махлиё ХОЛОВА,**  
«Postda» мухбири.

Навоий вилояти.

### Андижон вилояти

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан Андижондаги Муҳаммад Юсуф номли ижод мактабида билимдонлар беллашуви бўлиб ўтди.

## ҲАРБИЙ БИЛИМДОНЛАР БАҲСИ

Унда Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Андижон вилояти бўлими қошидаги «Журналистик маҳорат маркази» тингловчиларидан тузилган «Ёш журналистлар», Муҳаммад Юсуф номидаги ижод мактаби ўқитувчиларининг «Муҳаммад Юсуф», Мудофаа вазирлиги

Учрашув чоғида танловнинг 22 та умумий саволлари жўшқин муҳокама қилинди. Мантиқий фикрлаш, аниқ далиллар асосида тузилиб, комиссия томонидан танлаб олинган саволларга жавоб топиш иштирокчилар учун қийинчилик туғдирганига қарамай, кўп жамоалар «Заковат»

интеллектуал ўйинида яхши натижаларга эришди. Шундай қилиб, улар орасидан энг билимли ва кучли жамоа ҳайъат аъзолари томонидан қўйилган адолатли баҳоларга кўра аниқланди.

Беллашувларда «Ватанпарвар» жамоаси (7553-ҳарбий қисм) тенгсиз деб топилди. Иккинчи ўринни эгаллаган «Муҳаммад Юсуф» жамоасига 2-даражали диплом берилди, «Андижон ўғлонлари» жамоаси эса 3-ўринга лойиқ топилди.

**Борис КЛЕЙМАН,**  
«На посту» мухбири.



тасарруфидаги 7553-ҳарбий қисмдан «Ватанпарвар», 7255-ҳарбий қисмдан «Лочин», 14014-ҳарбий қисмдан «Темурийлар», 528-сафарбарлик чақируви резервидан «Андижон ўғлонлари» жамоалари иштирок этди.

Учрашувда узоқ йиллар давомида ички ишлар органлари тизимида турли раҳбарлик лавозимларида хизмат қилиб, ёш авлодга ўрнатилган намуна бўлиб келаётган фахрий устозлар ўзларининг бой амалий тажрибалари ҳақида ходимларга сўзлаб беришди. Бундан ташқари, Бухоро давлат университети тарих ва юриспруденция факультети доценти, психология фанлари бўйича фалсафа доктори Зиёдулло Элов Президентимизнинг Олий Мажлис

### Бухоро вилояти

## УЧ АВЛОД УЧРАШУВИ

Бухоро вилояти ИИБда Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тизимда хизмат олиб бораётган ходимлар иштирокида «Уч авлод учрашуви» ташкил этилди.

ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасининг мазмун-моҳиятини шахсий таркиб эътиборига етказиб, «Инсонга эътибор ва сифатли таълим — Янги Ўзбекистонда устувор йўналиш» мавзуси бўйича



ҳам йиғилганларга қатор маълумотлар бериб ўтди. Тадбир якунида соҳада узоқ йиллар самарали фаолият юритган фидойи фахрийларга вилоят ИИБ томонидан чоп этилган «Ватан осойишталиги йўлида 30 йил» номи китоб совға қилинди.

**Ҳаёт ШАРИПОВ,**  
вилоят ИИБ бошлигининг  
маслаҳатчиси,  
истеъфодаги полковник.



■ **Ҳалолликни шиор қилган ходимлар**

# ПОРА – ЧОРА ЭМАС,

дейди капитан Шохрух Имомов


**Жамол (исм-шарифлар ўзгартирилди) Фурқатнинг уйини сотиб олмоқчи бўлади. Ўзаро келишув асосида унинг пули муайян муддатда берилмаган бўлди. Аммо орадан бироз вақт ўтгандан сўнг Жамол таниши, хусусий нотариал идора вакили Ўткир билан келишиб, сохта имзо орқали уйни ўз номига ноқонуний тарзда расмийлаштириб олади.**

Келишилган сумма ўз вақтида қайтарилмаганидан сўнг Фурқат пулини қистайди. Лекин Жамол уй унинг номида эканлиги, энди ҳеч нарса қила олмаслигини иддао қилади. Шундан сўнг жабр кўрган фуқаро Юнусобод тумани ИИОФМБга мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Тергов бўлими терговчиси, капитан Шохрух Имомов жиноят иши материалларини синчиклаб ўрганиб, айбланувчиларнинг барча кирдикорларини фош этади. Улар оёғи куйган товукдек вазиятдан чиқиш учун чора қидира

бошлашади. Фуқаро Жамол Хусанов терговчига ишни «босди-босди қилиш» учун 1000 АҚШ доллари миқдорида пул таклиф қилади. Осойишталик посбони бу хатти-ҳаракат ноқонуний эканлиги, оқибати яхшилик билан тугамаслигидан огоҳлантиради. Лекин Жамол ўз мақсадини амалга ошириш учун терговчини авради.

Бироқ ўз касбига содиқ қолган ходим ҳаром луқмадан ҳазар қилиб, раҳбариятга билдирги билан мурожаат қилади. Натижада тунги соат тахминан 20:40ларда туман ИИОФМБ биносида ўтка-



зилган тадбирда фуқаро Жамол Хусанов ўзига нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан қўзғатилган жиноят ишини ижобий томонга ҳал қилиб бериш эвазига, терговчига 1000 АҚШ долларини пора тариқасида берган вақтида ашёвий далил билан иккитага айланган айбла-

нувчи энди қилмишлари юзасидан қонун олдида жавоб беришга мажбур.

Капитан Ш. Имомов ёшлигидан ота-онасининг ҳалол ризқ топиш ва ҳаром луқмадан ҳазар қилиш каби ўғитларини олиб улғайди. Ички ишлар органларида фаолиятини бошлаганидан то ҳозирги кунга қадар устозлари ва

ҳамкасбларининг йўл-йўриқларига амал қилиб кам бўлмапти. Сафларимизда мана шундай ҳалолликни шиор қилган осойишталик посбонлари бор экан, Жамол каби нопок кимсаларнинг кирдикорлари амалга ошмаслиги шубҳасиз.

**Сарвар СОБИРОВ,**  
«Postda» мухбири.

Тошкент шаҳри.

## БУРЧИГА СОДИҚ ҚОЛИБ

**Кечки соат 21:00да Каттақўрғон туманида яшовчи Бахтиёр (исми ўзгартирилди) «Нексия» русумли автомашинасини 4P-243 автомобиль йўлида бошқариб келаётган вақтида шу йўналишда хизмат олиб бораётган Самарқанд вилояти ИИБ ЙХБ 4-отряд ЙПХ инспектори, сафдор Жалол Юзбоев томонидан тўхтатилади. Инспектор ҳайдовчидан спиртли ичимлик ҳиди келиб турганлиги сабабли, уни «Alkostop-8000» аппарати орқали текширувдан ўтказди. Ва ҳайдовчининг спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги аниқланади. Унга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилиб, автомашина жарима майдончасига жойлаштирилади.**

Бахтиёр эртаси куни Самарқанд вилояти ИИБ ЙХБ 4-отряд маъмурий биноси олдида келиб, унга нисбатан тузилган маъмурий баённома юзасидан инспектор Жалол Юзбоевдан ишени пул эвазига ижобий ҳал қилиб беришини сўрайди. ЙПХ ходими унга нисбатан тегишли тартибда маъмурий баённома расмийлаштирилганлигини, ҳудудий ЙХБга юборилишини, улар тегишли тартибда суд органига тақдим этишларини, жаримани тўлаганидан сўнг, автомашинасини олиб чиқиш кетишини тушунтиради. Бироқ Бахтиёр

ишени ижобий ҳал қилиб бериши эвазига 2 900 000 сўм миқдоридаги пулларни инспекторга пора тариқасида таклиф қилади. ЙПХ ходими фуқарога қилаётган ҳаракати ноқонунийлигини, пора бериш-олиш жиноят эканлигини бир неча бор тушунтиришига қарамасдан, у ўз фикридан қайтмайди. Шундан сўнг сафдор Жалол

Юзбоев Самарқанд вилояти ИИБ бошлиғи номига билдирги ёзиб, мурожаат қилган.

ИИБ Шахсий хавфсизлик бош бошқармаси Самарқанд вилояти бўйича бошқармаси ходимлари ва туман прокура-

тураси ходимлари томонидан холислар иштирокида ўтказилган тезкор тадбирда Бахтиёр пора бераётган вақтида қўлга олинади.

Ҳозирда мазкур ҳолат юзасидан Жиноят кодексининг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Ички ишлар органларида ўн беш йилдан буён зиммасига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажариб келаётган сафдор Жалол Юзбоев ҳалоллиги билан ўз бурчига содиқлигини яна бир бор исботлади. Орамизда шундай фидойи ходимлар бор экан, Бахтиёр сингари маст ҳолатда автомашина бошқариб, ўзи ва бошқаларнинг ҳаётининг хавф остида қолишини ўйламайдиган, қолаверса, қилган қилмишидан афсусланиш ўрнига, вазиятдан силлиққина чиқиб кетмоқчи бўлган кимсалар «кўзларини каттароқ» очиб ўйлаб иш қилишади.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**  
«Postda» мухбири.  
Самарқанд вилояти.





✓ В центре внимания – качественное образование

## «МОЛОДОСТЬ ДОЛЖНА ВООРУЖАТЬСЯ ЗНАНИЯМИ»

В Навоийском академическом лицее МВД в настоящее время обучаются 317 учащихся, которым преподают более 25 высококвалифицированных педагогов. Усердный труд педагогов и наставников дает свои плоды: выпускники лицея поступают в Академию МВД, другие вузы, набирая самые высокие баллы.



оказания помощи во внедрении в работу современных информационных технологий.

Свои самые первые книги мы получаем из рук родителей, свои первые уроки – от учителей начальной школы. Как сказал русский писатель М. Горький, «... идя на смену отцам и матерям, на помощь старшим братьям и сестрам

В этом году особое внимание будет уделяться изучению передовых педагогических методик зарубежных коллег, возможность их адаптации к отечественным учебным программам и стандартам. С этой целью создаются учебные пособия, методические рекомендации. В наших планах – взаимодействие с ведущими педагогами республиканских вузов для

в их великом труде, молодость должна неутомимо вооружаться знаниями!». А роль педагогов и наставников – всемерно помогать им в этом.

**Сайфулла САТАЕВ,**  
подполковник в отставке,  
преподаватель Навоийского  
академического лицея  
МВД Республики Узбекистан.

✓ Отважный воин – пример для молодежи

## СТИМУЛ ДЛЯ НОВЫХ СВЕРШЕНИЙ

В преддверии Дня защитников Родины 29 семей из числа сотрудников отдельного батальона Войск МВД по обеспечению безопасности в международных аэропортах, дислоцирующегося в Самарканде, отметили новоселье. В будущем году жильё получат еще 39 семей. Квартиры в новостройках выдаются сотрудникам с многолетним стажем и молодым семьям, нуждающимся в жильё. При получении ипотечного кредита государство оплачивает первоначальный взнос в размере 25 процентов от стоимости приобретаемого жилья.

Среди новоселов – майор Алибек Ахмедов, который 15 лет служит Родине. Военнослужащего перевели в Самарканд в 2018 году. За его плечами служба в Наманганской области и Термезе. У майора подрастают трое детей, старшему сыну 13 лет.

– Все эти годы мы снимали жильё, очень рады, что теперь у нас есть своя квартира, – говорит Алибек. – Особенно рады дети, потому что им приходилось каждый раз

менять школу, обстановку, обретать новых друзей.

Социальная защита семей военнослужащих – одна из важных задач, стоящих перед руководством батальона.

С особой гордостью руководство рассказало о том, что 12 сотрудни-

ков в прошлом году были отмечены нагрудными знаками.

В настоящее время 48 призывников проходят срочную службу в батальоне, более половины из них решили стать контрактниками.

– В целях повышения квалификации военнослужащих и призывни-


ков, проходящих срочную службу, мы проводим учебно-практические и полевые занятия, направленные на совершенствование боевой подготовки личного состава, – говорит заместитель командира батальона подполковник Адиз Нарзиев.

Кроме того, раз в год военнослужащие по контракту проходят курсы повышения квалификации в учебных центрах МВД и АО «Uzbekistan airports».

Недавно завершилось строительство автомобильного парка со всеми необходимыми для военной техники условиями, склада для горюче-смазочных материалов, пункта хранения топлива.

Созданные условия станут стимулом для новых свершений, надежной защиты воздушных ворот.

**Замира БАЛТАЕВА,**  
корреспондент «На посту».  
Фото автора.





## Ma'naviyat va ma'rifat darsi

JADIDLAR JASORATI —  
MILLATIMIZ FAXRI

*Yurtboshimiz 2020-yil O'qituvchi va murabbiylar kuniga bag'ishlangan tantanali marosimdagi ma'ruzasida «Ko'pchilik ziyolilar qatorida men ham bir fikrni hamisha katta armon bilan o'ylayman: mamlakatimizda Uchinchi Renessansni yigirmanchi asrda ma'rifatparvar jadid bobolarimiz amalga oshirishlari mumkin edi. Nega deganda, bu fidoyi va jonkuyar zotlar butun umrlarini milliy uyg'onish g'oyasiga bag'ishlab, o'lkani jaholat va qoloqlikdan olib chiqish, millatimizni g'afolat botqog'idan qutqarish uchun bor kuch va imkoniyatlarini safarbar etdilar. Shu yo'lda ular o'zlarining aziz jonlarini ham qurbon qildilar. Ular «Ilmdan boshqa najot yo'q va bo'lishi ham mumkin emas» degan hadisi sharifni hayotiy e'tiqod deb bildilar. Milliy istiqlol, taraqqiyot va farovonlikka, avvalo, ma'rifat orqali, dunyoviy va diniy bilim, zamonaviy ilm-hunarlarini chuqur egallash orqali erishish mumkin, deb hisobladilar», deya ta'kidlagan edi.*

Yuqoridagi fikr milliy uyg'onish va millatparvarlik harakatining oldingi saflarida turgan Abdulla Avloniy, Mahmudxo'ja Behbudiy, Munavvarqori Abdurashidxonov, Ubaydulla Xo'jayev, Abdurauf Fitrat, Is'hoqxon Ibrat, Abdulhamid Cho'lpon, Abdulla Qodiriy, Ashurali Zohiriy, Hoji Muin kabi yuzlab fidoyi insonlarning ulug' xizmati va ezgu intilishlarini nazarda tutib aytilgandi.

Darhaqiqat, taraqqiyparvar jadidchilar XIX asr oxiri va XX asr boshida Rossiya imperiyasi tarkibiga qo'shib olinib, xomashyo bazasiga aylantirilgan, iqtisodiy-madaniy inqiroz yoqasiga kelib qolgan Turkistonning yangilikka tashna islohotchilari edi.



Abdulla Avloniy

Ular mustamlakaga aylangan o'lkani taraqqiyotda ancha ortda qolganini zakiylik bilan ko'ra olgan, Turkistondagi ichki nizolar, eskicha idora usullari xalq xo'jaligi va umumiy rivojlanishga ulkan zarar yetkazayotganini o'z vaqtida anglab yetgan va bu qoloqliklarni bartaraf etish uchun ilmga, ta'limga katta e'tibor qaratish lozimligini ayta olgan vatanparvar ziyolilar edi.

Jadidlar aql-zakovatda favqulodda yuksak maqomga ega edi. Chunki taraqqiyparvar ziyolilarning deyarli barchasi diniy va dunyoviy ta'lim sohibi bo'lgan. Masalan, Behbudiy muftiy, Munavvarqori imom, Ibrat qozi bo'lgan. Ehtimol, shuning uchun ham jadidlarning islohotlari negizida Qur'oni karim va hadisi sharif birinchi o'rinda turgan. Ular Mahmud Qoshg'ariy, Yusuf Xos Hojib, Ahmad Yugnakiy, Navoiy, Jomiy, Bobur, Fuzuliy, Munis, Ogahiy she'riyat, o'rta asrlarda yaratilgan falsafiy risolalarni ham o'qib va uqib olishgan.

Jadidlar o'z bilimini jahon madaniyatining ilg'or yutuqlari bilan



Abdulhamid Cho'lpon

Tagor ijodida hind ruhi va g'arb uslubi uyg'unlashganini qadrladi. Fitrat «Munozara» asarida o'lkadagi ahvolga xorijlik olim nazari bilan qarab, optimal yechimlar qidirdi. Behbudiyning «Bir til emas, to'rt til kerak» nomli maqolasida jadidlarning til haqidagi konsepsiyasi o'z ifodasini topdi. Bularning barchasi, jadidlar dunyo madaniyatini bag'rikenglik bilan qayta o'zlashtirish tarafdori bo'lganini ko'rsatadi.

Ziyolilarimiz bog'chasaroilik Ismoil Gaspiralinig «Vaqt» va «Sho'ro» gazetalaridan turkiy birdamlik, maktab, ma'orif sohasidagi yangiliklar, dunyoda kechayotgan jarayonlar haqidagi axborotlarni o'qib o'rganishdi. Mahmudxo'ja Behbudiy I. Gaspirali bilan uchrashdi, Ismoilbek Buxoroga kelib, nainki jadidlar, balki amir bilan ham yangi maktab va maorifning ahamiyati xususida suhbatlashdi. Bunday aloqalar o'lkamizda milliy matbuot va yangi maktablarning vujudga kelishiga samarali ta'sir etdi. Ta'kidlash o'rinishi, Said Azimboyev, Mirkomilboy kabi o'ziga to'q kishilar «Xurshid», «Shuhrat», «Osiyo», «Samarqand», «Sadoi Turkiston», «Sadoi Farg'ona», «El bayrog'i», «Kengash», «Turon», Hurriyat», «Najot», «Buyuk Turkiston», «Tujor», «Oyina» singari gazeta va jurnallarga homiylik qilishdi.



Mahmudxo'ja Behbudiy

boyitishga intildi. Jumladan, Abdulhamid Cho'lpon «Ulugh' hindiy» nomli maqolasida Robin-

Jadidlar mamlakatni qoloqlikdan chiqarishni ma'rifat va turkiy xalqlar birligida deb bilishdi. Ular maktab, maorif, kutubxona, qiroatxona, matbuot, teatr, adabiyot va san'atdan siyosatga o'tib, ommaviy ta'sir etish, bilimsizlik va jaholatga qarshi kurashishda xalq ongida fikriy-hissiy inqilob yasashdi. Bino-barin, ular o'z o'tmishdoshlaridan ancha ilgari ketgan yangi avlod edi. Bunday hol Qozog'istondagi «Alash O'rda» harakati (keyinchalik «Alash O'rda» hukumati) faoliyatida ham yorqin namoyon bo'ldi. Shubhasiz, bu jarayon Cho'qon Valixonov, Oltinsarin, Abay Qonoboyev singari ma'rifatparvar ziyolilar ijodi va faoliyati ta'sirida vujudga keldi. Turkiston mustaqilligi uchun kurashgan Mustafo Cho'qay (Cho'qayev) «Birlik tug'i» gazetasi muharrirligidan Munavvarqori Abdurashidxonov yetakchilik qilgan «Sho'roi islom» harakati faollaridan biri va Turkiston muxtoriyati hukumati Bosh vaziri, tashqi ishlar vaziri darajalarigacha ko'tarildi.



Abdurauf Fitrat

Kadrlar masalasiga katta ahamiyat qaratgan jadidlar «Xayriya jamiyati» ko'magida ko'plab Turkiston yoshlarini Turkiya, Germaniya, Saratov, Qozon kabi shaharlardagi nufuzli ilm dargohlariga o'qishga jo'natishgan.

Maorif sohasida ta'limning yangi shakllarini yaratishdi va amaliyotga joriy qilishdi. Maktablarni darslik va qo'llanmalar, o'quv qurollari bilan ta'minlashdi. Ilg'or texnologiyalar (grammofon, fotosurat, harakatli kino, tipografiya)ni o'lkamiz hayotiga joriy qilishdi.

Ayol-qizlarga bo'lgan munosabatni o'zgartirib, oilada farzandlarni kamol toptirishda ularning iqtidor va salohiyatidan foydalanish zarurligiga ishonirishdi. Barcha ishlarni faol targ'ibot-tashviqot minbari hamda teatrdan vositali ta'sir quroli sifatida barakali foydalanishdi.

Anglashiladiki, o'z davrining eng tashabbuskor islohotchi va fidoyi insonlarini birlashtirgan jadidchilik harakati XIX asrning ikkinchi yarmi va XX asrning boshlarida Turkiston xalqlari manfaatlarini ifodaladi. Ming afsuski, jadid bobolarimiz o'z oldiga qo'ygan ezgu maqsadlarini amalga oshirishga mavjud vaziyat, ijtimoiy tuzum yo'l bermadi. Ma'rifat fidoyilari o'sha davrning turli johil kimsalari tuhmat-malomatlariga duchor



Abdulla Qodiriy

bo'ldilar. Avval chor hukumati, keyinchalik sovet hukumati ularni ayovsiz quvg'in va qatag'on qildi. Shu tariqa, milliy uyg'onish va taraqqiyot harakati el-yurtimiz uchun armon bo'lib qoldi.

Ma'lumki, millat madaniyati, tili, geografik hududi, iqtisodiy-madaniy hayoti va ruhiy xususiyatlarining umumiyliigi asosida tarixan o'zligini anglagan eldan vujudga keladi. Uning faxr-iftixor hissini tuyish va g'ururlanishga arziydigan shonli tarixi, dunyo tamadduniga qo'shgan salmoqli ilmiy, madaniy-ma'rifiy ulushi, ardoqlash va ibratlanishga loyiq ulug' siymolari bo'ladi. Prezidentimizning Oliy Majlis va O'zbekiston xalqiga yo'llagan Murojaatnomasida «Biz qadimiy va boy tariximizni, ayniqsa, g'oyat og'ir sharoitda ilm-ma'rifat, inson erkinligi, xalq ozodligi, Vatanga, milliy qadriyatlarga mehr va sadoqat g'oyalarini dadil ko'tarib chiqqan jadid bobolarimiz faoliyatini yanada chuqur o'rganishimiz lozim. Ularning ulug' maqsadlar yo'lidagi mardona kurashi va fidoyiligi Yangi O'zbekistonni qurishda barchamiz, avvalo, yoshlarimiz uchun chinakam ibrat maktabi bo'lib xizmat qilishi zarur», deya ta'kidlanishi bejiz emas.

Munavvarqori  
Abdurashidxonov

Jadid ziyolilarimiz bilan haqli tarzda g'ururlanish va iftixor tuyish hissi millatning ko'ksini yuksaltiradi, ulug' maqsadlar yo'lida dadil olg'a intilishida madadkor kuch vazifasini o'taydi. Jadidlar o'lkamizda yashovchi barcha millatlarning otabobolari, onalari-yu momolari edi. Shu bois bu millatlarning dovyurak qahramonlari, fidoyilarining barcha ezgu harakat-intilishlari biz uchun hamisha mardlik va jasorat namunasini bo'lib xizmat qiladi.

**Islomjon YOQUBOV,**  
**Alisher Navoiy nomidagi**  
**Toshkent davlat o'zbek tili va**  
**adabiyoti universiteti professori,**  
**filologiya fanlari doktori.**





Эксперт-криминалистика хизмати

## ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙМАЙ



тортиш, шунингдек, товон тўлаш масаласи кўтарилади, – дейди капитан Ойбек Ғофуров. – ЙТХ бўйича тергов жараёнлари ва судда иш кўрилиши доирасида турли экспертизалар тайинланади ва улар орасида ўтказилиши шарт бўлган асосийси – ЙТХ ҳолатининг автотехника экспертизаси ҳисобланади. ЙТХдаги барча ҳолатларни оидинлатиш учун ушбу омилларни ўрганиш, ҳар бирининг ҳодиса юзага келиши ва ривожланишига таъсири даражасини аниқлаш, шунингдек, буларнинг ҳаммасини ЙТХ иштирокчиларининг ҳаракатлари билан боғлаш ўта муҳим. Бу эса ҳодиса бўйича ўтказилган тергов ва суд жараёнларининг асосий мақсади – ҳодисанинг аниқ, холис, реал кўринишини оидинлатишга ёрдам беради.

Капитан Ойбек Ғофуров 2017 йилда ИИБ Эксперт-криминалистика бош марказида ташкил этилган уч ойлик курсларни тамомлагач, Андижон вилояти ИИБ ЭКМ суд-автотехника экспертизаси бўлими эксперт-криминалистика лавозимига тайинланган.

– Йўл-транспорт ҳодисалари кўпинча жиддий оқибатларга олиб келади ва тури, оғирлик даражасига қараб, айбдор шахсни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка

капитан Ойбек Ғофуров 2017 йилда ИИБ Эксперт-криминалистика бош марказида ташкил этилган уч ойлик курсларни тамомлагач, Андижон вилояти ИИБ ЭКМ суд-автотехника экспертизаси бўлими эксперт-криминалистика лавозимига тайинланган.

**Борис КЛЕЙМАН,**  
«На посту» мухбири.

Андижон вилояти.

Концепция – амалда

Хоразм вилояти ИИБда ички ишлар органлари ходимлари ўртасида китобхонлик маданиятини янада юксалтириш мақсадида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

## КИТОБ – ЭНГ ЯҚИН СИРДОШ

Вилоят ИИБ Маънавий-маърифий ишлар ва кадрлар билан таъминлаш хизмати бошлиғи, полковник Абдувоҳид Имяминов мамлакатимизда китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини кенг тарғиб қилишга алоҳида эътибор берилганга тўхталиб, мазкур тадбир ҳам ана шундай эзгу ва хайрли

ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ушбу ҳамкорликдан асосий мақсад ички ишлар органлари ходимларининг мазкур жамиятга қарашли 100 мингдан зиёд китоб фондига эга бўлган «Зиё маскани» кутубхонасига аъзо бўлиш ва у ердаги бебаҳо асарлардан самарали фойдаланишдан иборатдир.



Шу куни вилоят ИИБда «Китоб савдоси ярмаркаси» ҳам ташкил этилди. Ходимлар ушбу ярмаркадан ўзлари қизиққан соҳаларига оид кўплаб китобларни харид қилишди.

– Кишига китобдан яқин суҳбатдош йўқ, – дейди капитан Фарид Нурматов. – Улуғлар айтганидек, китоб ёлғиз пайтингда ҳамроҳ, қайғули дамнингда қадрдон дўстдир. Китоб билан сирлашган, суҳбатлашган ҳар бир кун гоёта мазмунли, самарали ўтади.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**  
«Postda» мухбири.

Хоразм вилояти.

ишларнинг узвий давоми эканлигини таъкидлади.

Тадбирда Урганч шаҳридаги «Ёшлар кутубхонаси – билим хазинаси» масъулияти чекланган жамияти билан вилоят ИИБ ўртасида ўзаро



Жазони ижро этиш тизимида

## ОЙНИНГ ЎН БЕШИ ЁРУФ

Назира болалиқдан назокат ва нафосат каби пок туйғулардан мосуво бўлиб ўсди. Оиладаги носоғлом муҳит унинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатмай қолмади. Ақли тўлишгач, ўғрилиқни касб қилди. Аввалига танишларининг майда-чуйда буюмларини ўғирлади. Қўлга тушмагач, бегоналарнинг қимматбаҳо буюмларини ўмаришга ўтди. Охир-оқибат қилмиши фош бўлиб, жазога тортилди. У тайинланган жазони ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД Тўртинчи минтақавий ҳудудга қарашли Шеробод туманидаги 41-сонли манзил-колониyaсида ўтамоқда.

Назира муассасада дастлаб «Бўлди, энди ҳаётим бутунлай издан чиқиб кетади» дея тушкун бир ҳолда кун кечира бошлади. Бироқ маҳкумларга бўлган муносабат, ҳаёт тарзи унинг бўлмағур ўй-хаёлларини тутундай тарқатиб юборди...

– Болалиқдан ўғил болалар билан ўйнаб катта бўлдим. Характерим оғир эди. Кўпчилик билан чиқиша олмасдим. Айниқса, ота-онам ажрашгач, ҳеч ким мени тергамасди. Мени кўча тарбиялаган, шу боис жиноятга қўл урдим, – деб эслайди у. – Аммо инсон ҳалол меҳнат қилиб яшасагина, топган ризқи тотли, баракали, турмуши чиройли, файзли бўлишини шу ерда тушуниб етдим. Тикувчиликни ўргандим. Ҳозир пардалар, кўрпа-кўрпачалар тикиш бинойида

қўлимдан келади. Яқинда «Хунарманд» уюшмасидан ўқув курсини тамомлаганим ҳақида сертификат ҳам олдим. Энди қарашларим ўзгарди. Кишини меҳнат тарбия-



ларкан, бу ердан чиқсам, ҳаётимни бошқатдан қуришга аҳд қилдим.

Манзил колониyaсида Назира сингари ёмон одатлардан холи равишда тарбияланиб, тўғри йўлга



қайтаётганлар кўплигини кўриб, қувонасан киши. Унинг ортида ушбу муассасада хизмат қилаётган ходимларнинг машаққати ётибди. Маҳкумларни тарбиялаш мақсадида улар билан профилактик суҳбатлар олиб боришяпти, меҳнатга лаёқатлиларини ишлаб чиқаришга ва хўжалик ишларига жалб этишмоқда.

Қолаверса, бу ерда жазо муддатини ўтаётган шахсларга касб-ҳунар ўргатиш учун «Уста-шоғирд» мактаби фаолияти ҳам йўлга қўйилган.

Шу билан биргаликда колониyaда 6 йўналиш бўйича ўқув курслари ташкил этилган. Маҳкумлар малакали мутахассислардан эркаклар ва аёллар сартарошлиғи, тикувчилик

ва компьютер саводхонлиғи, дурадгорлик, иссиқхона юритиш, паррандачилик, пайвандчилик сирларини ўрганишмоқда. Яқинда 30 нафар маҳкумага Сурхондарё вилояти «Хунарманд» уюшмаси томонидан икки йўналиш бўйича сертификат берилди. Ҳозирги кунда 58 нафар ёш маҳкум ва маҳкума ўқув курсларида таҳсил олмоқда.

Ойнинг қоронғи ўн беш кунлигидан ёруғликка чиқиши учун инсон айрим аччиқ ҳақиқатларга иқроор бўлмоғи, хатоларидан тўғри ҳулоса чиқара олмоғи даркор. Зеро, ҳаётини яхши томонга буришга интилаётган инсонларга кўмаклашишга аҳд қилган бундай фидойиларга «Асло ҳаракатдан тўхтаманг!» – деймиз.

**Феруза РАҲМОНҚУЛОВА,**  
«Postda» мухбири.

Сурхондарё вилояти.





✓ Урок духовности и просвещения

# ПОДВИГ ДЖАДИДОВ – ГОРДОСТЬ НАЦИИ

«Эти глубоко образованные, самоотверженные личности посвятили себя идее национального возрождения...»

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

**Джадидизм – культурно-реформаторское движение конца XIX – начала XX века, во главе которого стояла яркая плеяда корифеев просвещения – Абдулла Авлони, Махмудходжа Бехбуди, Мунавваркори Абдурашидхонов, Убайдулла Ходжаев, Абдурауф Фитрат, Исхокхон Ибрат, Абдулхамид Чулпан, Абдулла Кадыри, Ашурали Зохири, Ходжи Муин и др.**

Свою задачу джадиды видели в создании прогрессивного общества. Они ратовали за развитие науки и культуры, за создание школ нового типа, издание газет на родном языке, открывали типографии, библиотеки, театры. Путеводной для них была идея: **«Нет и не может быть иного спасения, кроме знания».**

Считая, что судьбу Родины решают образование и воспитание молодежи, открывающей новые горизонты, джадиды стремились к тому, чтобы каждый соотечественник глубоко осознал суть и значение данного



вопроса. При этом важнейшим аспектом они считали расширение в различных регионах сети новометодных школ («усули жадид»). Так, по инициативе Бехбуди в 1903 г. были организованы новые школы близ Самарканда, в селах Халвойи и Ражабами, а в 1905 г. – в селе Кафтархона. Сеть школ в Ташкенте в 1901–1904 гг. при содействии сподвижников открывает Мунавваркори Абдурашидхонов. Наиболее известной из них была «Намуна», многие выпускники которой стали крупными деятелями культуры и литературы.

Самоотверженность в деле просвещения прояв-



лял Абдулла Авлони. Он организовывал школы, где у учащихся формировали мировоззрение, свободное от консерватизма и фанатизма. В 1908 г. открылись школы в махалле Миробод Ташкента, а затем в махалле Дегрез. Здесь был установлен твердый учебный год с экзаменами, внедрена классно-урочная система. Существенно расширилось преподавание светских дисциплин. Ученики изучали литературу, иностранные языки, историю, географию, природоведение, арифметику, хандаса (геометрию), хикмат (мудрость).

Поскольку большинство детей, принятых в созданные джадидами школы, были из бедных слоев населения, в 1909 г. в Ташкенте в целях обеспечения учащихся канцелярскими принадлежностями, одеждой, едой, оказания поддержки талантливой молодежи создается благотворительное общество «Жамияти хайрия».

Отметим, что джадиды не только осуществляли педагогическую деятельность, но и писали учебники, руководства для обучения языку, литературе, истории, географии, математике. Бехбуди был подготовлен ряд книг и учебников, в



числе которых «Мунтахаби жуғрофияи умумий» – «Қисқача умумий жуғрофия» («Краткая общая география») (1903), «Китоб-ул-атфол» – «Болалар учун китоб» («Книга для детей») (1904) и др.

Мунавваркори Абдурашидхонов разработал программы, издал учебники, хрестоматии. Он выпустил буквари «Адиби аввал» («Первый наставник»), «Адиби соний» («Второй наставник»), учебник по географии «Ер юзи», пособие «Усули ҳисаб» («Арифметика»). Его книги отличались ясным и доходчивым стилем изложения, регулярно переиздавались.

**«Быть светлым лучом для других, самому излучать этот свет – вот высшее счастье, которого может достичь человек»,** – писал Абдулла Авлони, внесший значительный вклад в развитие педагогической мысли, становление узбекской школы современного типа. В своих трудах он поднимал важнейшие вопросы воспитания подрастающего поколения. В целях распространения новой системы обучения в период с 1909 по 1917 годы им создано свыше десяти пособий и книг для чтения. В их числе книга «Биринчи муаллим» («Первый учитель»), предназначенная для начальной школы, в которой был заложен принцип «от простого – к сложному», «Иккинчи муаллим» («Второй учитель»), явившаяся продолжением первой книги, «Тарих» («История») и др. Вершина научно-педагогического наследия Авлони – книга «Туркий гулистон ёхуд



ахлоқ» («Тюркский цветник или мораль»). Она написана в лучших традициях восточной литературы – «Қобуснома» Кайковуса, «Қутадғу билиг» Юсуфа Хос Хожиба, «Баҳористон» Джами, «Махбуб ул-қулуб» Навои и др. При этом, создавая ее, автор опирался на народную педагогику – многовековую мудрость. В центре внимания педагогической системы Авлони – вопросы патриотического воспитания. В своих публикациях он акцентировал внимание на теме любви к Отчизне, которая должна выражаться непосредственно в делах, стремлении сделать все для ее процветания. Отдельный вопрос, на котором заострял внимание просветитель, – необходимость сохранения чистоты родного языка. Авлони пишет: «Потерять национальный язык – значит, потерять дух нации».

Вопросы просвещения народа, необходимости реформ в Бухаре были в центре внимания Абдурауфа Фитрата. Он издает учеб-



ники, публикует научные труды по лингвистике, истории, литературе, искусству, в их числе «Тилимиз» («Наш язык»), «Адабиёт қоидалари» («Правила литературы»), «Аруз ҳақида» («Об арузе») и др., пишет статьи о жизни

и творчестве Алишера Навои, Бабура, Машраба.

Просветительская деятельность джадидов включала активную литературную и публицистическую деятельность. Ими создаются пьесы, пишутся проблемные статьи, фельетоны, направленные на распространение в широких кругах прогрессивных идей, критику устаревших взглядов. Знаменательны в этом отношении постановка драмы Бехбуди «Падаркуш» («Отцеубийца») (1911), пользовавшейся огромным успехом, издание им журнала «Ойна» («Зеркало»), газеты «Самарканд».

При открытии первого сезона национального театра в Ташкенте в 1914 г. Мунавваркори Абдурашидхонов отозвался о театре и



артистах как о врачевателях общества. Он отметил, что «сцена театра подобна зеркальному дому, тот, кто в него входит, видит свое хорошее и плохое, свои ошибки, недостатки и поучается».

Плеяда просветителей начала XX века внесла выдающийся вклад в создание национальной системы образования, в развитие науки, культуры, в воспитание по-новому мыслящих людей. **Джадиды стремились к благородной цели – озарить сердца соотечественников светом знаний, ярко зажгли факел просвещения и по праву являются честью и гордостью нашего народа.** В Узбекистане свято чтят славных сынов Родины, самоотверженно служивших народу. Наследие джадидов-просветителей и сегодня придает нам силы и вдохновение.

**Радик ТУМΠΑРОВ,**  
корреспондент  
«На посту».





14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

## ФИДОЙИЛАРДАН БИРИ



**ИИБ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинларига қарашли 7260-сонли ҳарбий қисмининг тарбиявий-мафкуравий ишлар бўлинмаси бошлиғи, майор Фиёсиддин Тангиров, тўққиз йилдирки, юртимиз тинчлиги, чегараларимиз дахлсизлигини таъминлаш йўлида фидоийлик билан хизмат қилиб келмоқда.**

Лавҳамиз қаҳрамони ҳарбий хизматчиларнинг маънавий онгини, сиёсий-ҳуқуқий билимини ошириш, уларга аждодларимизнинг бой маданий меросини, жасоратини чуқур ўргатишга алоҳида эътибор қаратяпти. Маънавий-маърифий, тарбиявий ишларнинг самарали ташкил этилгани боис, ўтган йиллар давомида ҳарбий хизматчилар томонидан қонунбузарлик ҳолатига йўл қўйилмади.

– Фиёсиддин зиммасига юклатилган вазифани шараф билан адо этиш баробарида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда ҳарбий хизматчилар ўртасида ўтказилаётган турли тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда, – дейди ҳарбий қисм командирининг ўринбосари, подполковник Журат Отажонов. – Ўтган йили Урганчда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда ҳарбий қисмлар шахсий таркиби ўртасида ўтказилган «Қувноқлар ва зукколар» беллашувида майор Ф. Тангиров бошчилигидаги «Лочин» жамоаси биринчи ўринни қўлга киритди. Шунингдек, «Мард аскар ёшларга намуна», «Менинг армиям – менинг фахрим», «Энг илғор ҳарбий спортчи», «Энг яхши китобхон», «Энг илғор гуруҳ», «Энг илғор гуруҳ командири»,

«Энг илғор взвод» ҳамда «Энг илғор взвод командири» номинациялари бўйича ўтказилган танловларда ҳам унинг сабоғини олган ҳарбий хизматчилар совриндорлар сафидан муносиб жой олиб келишмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**  
«Postda» мухбири.

*Хоразм вилояти.*

**Суратда:** майор Фиёсиддин Тангиров ҳарбий хизматчилар билан.

Концепция – амалда

## ТАРИХ ВА БУГУНИ БОҒЛОВЧИ КЎПРИК

**Ички ишлар органларида соҳа ходимларининг касбий маҳоратини ошириш билан бир қаторда, тизим тарихига оид китоблар нашр қилиш, музей ва ватанпарварлик бурчакларини ташкил этиш борасида кўплаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда.**



Қўқон шаҳар Ички ишлар бошқармасида ташкил этилган Ватанпарварлик бурчаги ва бошқарма тарихига оид янги – «Қўқон шаҳар ички ишлар бошқармаси: кеча ва бугун» номли китоб ҳам фикримизга ёрқин мисол бўла олади.

Ушбу китобда Қўқон хонлиги даврида тинчлик ва барқарорликни сақлаш, XX асрнинг бошларида шаҳарда ташкил қилинган дастлабки жамоат тартибини сақловчи тузилмалардан тортиб, Иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги даврларда фаолият кўрсатган фахрийлар, сулолалар, хизмат

вазифасини бажариш пайтида ҳалок бўлган мард ўғлонлар ҳамда давлат мукофотларига сазовор бўлган ходимлар ҳақида ҳикоя қилинади.

Бундан ташқари, китобда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислохотлар, таркибий тузилмаларда юз бераётган ўзгаришлар, соҳага кириб келаётган замонавий инновацион технологиялар ҳамда тизимда амалга оширилаётган муҳим ислохотлар ҳақида зарур маълумотлар жамланган.

**Абдувосит СИДИҚОВ,**  
«Postda» мухбири.

*Фарғона вилояти.*

Тўмарис издошлари



## МЕРҒАН АЁЛЛАР

«Ватанпарварлик ойлиги» доирасида вилоят Ички ишлар бошқармаси томонидан Миллий Гвардия Бухоро вилояти бошқармаси билан ҳамкорликда Бухоро туманида жойлашган «Жалолиддин Мангуберди» чавандозлар мактабида ёшлар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари учун от пойгаси ва аёллар ўртасида камондан ўқ отиш бўйича спорт мусобақалари ташкил этилди.

50 нафарга яқини аёл ходималар қатнашган мусобақада фахрли биринчи ўринни Махсума Адизова, иккинчи ўринни Фарангиз Умурзоқова, учинчи ўринни Шаҳноза Ибодова ва Шахло Раҳматовалар эгаллашди. Шунингдек, беллашувларда юқори натижа ва фаоллик кўрсатгани учун Раъно Қудратова, Дилноза Комилова ҳамда Моҳинисо Неъматовалар турли номинациялар бўйича голиб деб топилди.

Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар тантанали равишда топширилди.

**Ш.САФАРОВА,**  
подполковник.

*Бухоро вилояти.*



## Мардлик унутилмайди

# ҚАҲРАМОНЛАР НОМИ БАРҲАЁТ



### Наманган.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли Поп туманида жойлашган 7552-ҳарбий қисм ҳамда Ёшлар иттифоқининг вилоят бўлими ходимлари хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган оддий аскар Муҳаммадвали Муҳаммадалиев яшаган хонадонга боришди. Унинг оила аъзолари ҳолидан хабар олишди.

Қаҳрамон аскар таълим олган Янгиқўрғон туманидаги 15-умумтаълим мактабида эса Муҳаммадвали Муҳаммадалиевнинг мардлиги ва жасоратини хотирлаш мақсадида хотира кечаси ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз.

### Жиззах.

Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан вилоят ИИБ ЙҲХБ ходимлари мамлакатимизда коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олишга қаратилган тадбирларда фаол иштирок этиб, касалликка чалиниб ҳаётдан кўз юмган ва Президентимизнинг 2021 йил 26 августдаги фармонида кўра, «Жасорат» медали билан тақдирланган Кенжабой Сулаймоновнинг уйига борилиб, оила аъзолари ҳолидан хабар олишди.

Унинг ёрқин хотирасини ёд этиш мақсадида у ўқиган мактабда ўрнатилган ёдгорлик пойига гул қўйилди.



Ўз мухбиримиз.

## Соғлом турмуш тарзи

# ХОДИМЛАР КУЧ СИНАШДИ

### Қашқадарё.

Вилоят ИИБ спорт залида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан вилоят ички ишлар органлари ходимлари ўртасида кураш мусобақаси бўлиб ўтди.

Шахсий таркиб ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, ходимларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишга қаратилган ушбу турнир қизгин баҳсларга бой бўлди.

Тўрт вазн тоифасида ўтказилган беллашувларнинг 73 кг. вазн тоифасида вилоят ИИБ ТВБСО ходими, сержант Шаҳриёр Маҳмадмуродов ғолиблик шоҳсупасидан жой олди. Навбатдаги совринли ўринларни эса бошқар-

ма ЖТСБ ППХ батальони сафдор ходимлари – сафдорлар Ҳ.Раҳмонкулов ва И.Ражабов қўлга киритди.

Шунингдек, қолган вазн тоифаларида ҳам вилоят ИИБ ТВБСО ходимлари – катта сержант Жавлон Тоғаев (81 кг. вазн тоифасида), лейтенант Рустам Саидов

(90 кг. вазн тоифасида) ва сержант Ботир Холиёров (+90 кг. вазн тоифасида)ларга тенг келадиган рақиб топилмади.

Ғолиб иштирокчилар махсус нишон ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Шерзод БЕРДИҚУЛОВ,  
капитан.

ИИБ Малака ошириш институти тингловчилари ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш мақсадида турли тадбирлар ўтказилиб келинган.

Жумладан, яқинда спортнинг кураш ва мини-футбол турлари бўйича ташкил этилган спорт мусобақалари ҳам фикримиз тасдиғидир.

Қизгин ва мурасимсиз кечган баҳслар якунига кўра, полвонлар ўртасида сафдор Васлиддин Турсунбоев зафар қучган бўлса, мини-футбол бўйича «Ватанпарвар» жамоасига тенг келадиган рақиб топилмади.

Кўтаринки руҳда ўтган мазкур спорт байрами сўнггида ғолиб ва совриндорлар кўчма кубок ва медаллар билан тақдирланди.

Шокир АЛБЕКОВ,  
капитан.





Постановление и его реализация

# Знать и соблюдать ПДД!

В соответствии с положениями Общественной программы «Безопасная и гладкая дорога», утвержденной постановлением Президента от 12 июля 2022 года, в школах республики оборудуются кабинеты изучения ПДД, учебные автоплощадки, где мальчишки и девчонки смогут постигать правила безопасного поведения на дорогах.

– Очередной кабинет изучения ПДД создан в школе № 27 Паркентского района. Это уже пятый кабинет, укомплектованный в средних общеобразовательных учреждениях района, – говорит сотрудник информа-



ционной службы УБДД СОБ ГУВД столичной области рядовой Мурод Абдурахимов. – Аналогичные кабинеты созданы также в семи школах Кибрайского и шести школах Юкоричирчикского районов. Работа в данном направлении продолжается. Кабинеты оборудованы демонстрационными материалами – стендами с изображением дорожных знаков, рассказывающими об обязанностях участников

движения, современными макетами светофоров, уличной инфраструктуры, позволяющими проводить занятия на основе интерактивных форм обучения. Цель – повышение мотивации учащихся к изучению и неукоснительному соблюдению ПДД.

**Радик ТУМПАРОВ,**  
корреспондент  
«На посту».

Ташкентская область.



Безопасность на транспорте

# СЛАГАЕМЫЕ УСПЕХА

**Оперативное совещание ответственных сотрудников Андижанского областного управления обеспечения безопасности на транспорте Департамента обеспечения безопасности на объектах транспорта и туризма МВД Республики Узбекистан проходило возле объемного макета территории, входящей в зону ответственности.**



Подполковник Равшанбек Аброров и заместитель начальника майор Омадбек Ибрагимов.

Начальник управления подполковник Равшанбек Аброров требовал от подчиненных объективной оценки криминогенной ситуации, сложившейся на вверенных объектах. А их немало. Это 160 километров железнодорожного пути, два железнодорожных вокзала – «Андижан» и «Ханабад», 11 железнодорожных станций, 13 предприятий, относящихся к железной дороге, и международный аэропорт «Андижан».

– В 2022 году, благодаря целенаправленной работе личного состава, без происшествий было принято 146 429 вагонов с нефтью, углем, строительными материалами и товарами народного потребления. В регионы страны отправлено порядка 120 960 вагонов с различными грузами, – отметил начальник управления подполковник Р. Аброров. В ходе оперативных мероприятий раскрыто более 60 преступлений.

Так, руководитель одного из предприятий с ограниченной



Инспектор группы охраны общественного порядка (в центре) старший лейтенант Камолдин Таджибаев с рядовым сотрудником отделения ППС Жасурбеком Эрматовым и сотрудником отделения военизированной охраны вокзала «Андижан» Абдунаби Таджидиновым.

ответственностью Б. Р. присвоил и продал неизвестным лицам два железнодорожных контейнера общей стоимостью более 40 миллионов сумов. В его отношении ведется доследственная проверка.

Житель Кургантепинского района А. С. был задержан в международном аэропорту

«Андижан» по подозрению в трафике наркотиков. Во время личного досмотра в присутствии понятых у молодого человека был обнаружен пакет, содержимое которого напоминало марихуану. По заключению ЭКЦ, это была готовая к употреблению марихуана общим весом 450,53 грамма. В отношении А. С.

возбуждено уголовное дело, ведется следствие.

В международном аэропорту «Андижан» по подозрению в контрабанде был задержан житель Асакинского района Р. Ф., прибывший авиарейсом из Новосибирска. В ходе личного досмотра пассажира в присутствии понятых в одном из файлов смартфона были обнаружены материалы религиозно-экстремистского содержания, размещенные на 192 страницах. По заключению Андижанского управления Комитета по делам религий при Кабинете Министров Республики Узбекистан и ряда религиозных экспертиз, подобная литература признана экстремистской и запрещенной в Узбекистане. В отношении Р. Ф. возбуждено уголовное дело.

В управление поступило заявление от жительницы Джалакудукского района М. М., в котором она сообщала, что некая Сарвиноз вербует молодых женщин для занятия проституцией в Турции. Был проведен ряд совместных оперативных мероприятий, в результате которых в международном аэропорту «Ташкент» была задержана 25-летняя Сарвиноз, ожидавшая с тремя молодыми женщинами посадки на авиарейс «Ташкент – Стамбул».

Проведение специальных операций и рейдов позволяет повысить эффективность борьбы с правонарушителями, улучшить оперативную обстановку в целом.

**Борис КЛЕЙМАН,**  
корреспондент «На посту».

Фото автора.  
Андижанская область.







**Mansur  
ABDUVALIYEV,**  
IIV Jizzax  
akademik  
litseyi  
o'quvchisi.

## OTA-ONA

Oilamiz ustuni otajonimsiz,  
Duogo'y farishtam, onajonimsiz.  
Qanotingiz ostida avaylab-asrab,  
Bizni ulg'aytirgan jonajonimsiz.

Iymonli, insofli, solih farzandlar  
Uyingiz chirog'in yoqib yursinlar.  
Duoyingiz olib, baxtli bo'lsinlar,  
El-u yurt oldida mag'rur tursinlar.

## USTOZ

O'rgatasiz bilimni,  
Dunyoda bor ilmni.  
Uqtirib tolmagaysiz,  
Charchoq ne bilmagaysiz.

Qog'oz-qalamni olib,  
Yozuvni zo'r yozamiz.  
Barchasin o'rgatdingiz,  
Mehrli ustozimiz.

## ZIYO MASKANI

Maktabimizning ko'rki  
Kutubxonadir, biling.  
Kitobga oshno bo'lsang,  
Yuksaladi biliming.

Ziyo maskanimizda  
Son-sanoqsiz kitob bor.  
Biz undan bilim olsak,  
Taraqqiylashar diyor.

Kitob ezgulik sari  
Bizlarni eltuvchi nur.  
Bilim olganing sari  
Baxshida etar huzur.



## BURCH

Onajon, bergan maqoming,  
Mas'uliyat yuklar har on.  
Vatanim, sen mening borim,  
Bu tinch zamin, moviy osmon.

## BAYROQ

Mag'rur turar hilpirab,  
O'zbekimning bayrog'i.  
Unda aks etgan surat –  
Vatanimning chirog'i.

**Ruxshona RAMAZONOVA,**  
IIV Buxoro akademik  
litseyi o'quvchisi.

# NIHOL

## yoshlar sahifasi

### LITSEY O'QUVCHILARI – MUZEYDA



IIV Surxondaryo akademik litseyi o'quvchilari qishki ta'tilni maroqli o'tkazish maqsadida Termiz shahrida joylashgan Arxeologiya muzeyiga sayohatga borishdi.

Sayohat paytida ularga muzeyning tashkil etilish tarixi, unda joylashgan qimmatli eksponatlar haqida batafsil ma'lumot

berildi. Shuningdek, o'quvchilar vohaning tarixi, ajdodlarimizning yashash tarzi bo'yicha ham tasavvurga ega bo'lishdi.

**Feruz RAHMONQULOVA,**  
«Postda» muxbiri.

*Surxondaryo viloyati.*



**Og'abek ABDUHALIMOV,**  
oddiy askar.

## VATAN

Burchdir har bir onimiz,  
Aylagaymiz borimiz.  
Vatan bizning orimiz,  
Fidodir tan-jonimiz.

Onajonimsan, Vatan,  
Jonajonimsan, Vatan.  
Xizmatini o'taylik  
Sidqidildan, jon Vatan.

Qalqoning men bo'layin,  
Fidoymen bo'layin.  
Asrab-avaylab seni,  
Posboning men bo'layin.

Osmon bo'lsin musaffo,  
Burchim etayin ado.  
O'g'loningman men sening,  
Madhing yuraklarda jo.

## SABINANING ZAFARLI ODIMLARI



Lavhamiz qahramoni Sabina O'rino-va IIV Xorazm akademik litseyining eng iqtidorli o'quvchilaridan biri. U yoshlikdan sportning stol tennisiga mehr qo'ydi. Ustoz-murabbiylarining nasihatlariga quloq tutib, o'z ustida tinmay ishladi. Raqiblar qanchalik tajribali bo'lmasin, doimo g'olib bo'lishga intildi. Bu sa'y-harakatlar ko'p o'tmay o'z natijasini bera boshladi. U avval tuman, so'ngra viloyat musobaqalarida mutlaq g'oliblikni qo'lga kiritdi.

Sportda kuchlilar g'alaba qozonishini yaxshi anglagan Sabina respublika bellashuviga ham puxta tayyorgarlik ko'rdi. U joriy yil Toshkent shahrida «Besh tashabbus olimpiadasi» doirasida sportning stol tennis turi bo'yicha bo'lib o'tgan respublika musobaqasining final bosqichida samarali ishtirok etdi. Keskin va murosasiz bahslarga boy bo'lgan ushbu nufuzli musobaqada Sabina O'rino faxrli 1-o'rinni egalladi.

– Sabina nafaqat sportda, balki o'qishda ham tengdoshlariga o'rnak bo'layotgan o'quvchilarimizdan biri sanaladi,

– deydi IIV Xorazm akademik litseyi direktorining o'rinbosari, podpolkovnik Behzodbek Quryozov. – U 2022-yil «Besh tashabbus olimpiadasi» doirasidagi «Yosh kitobxon» tanlovining viloyat bosqichida ham faol ishtirok etdi va to'rtinchi o'rinni egalladi. Bu natijalar uni yanada ulkan marralar sari undamoqda.

Ayni kunda litseyning 204-guruh o'quvchisi Sabina O'rino navbatdagi sport musobaqalari hamda bilimdonlar bellashuvlariga puxta tayyorgarlik ko'rmoqda.

**Xudoybergan JABBOROV,**  
«Postda» muxbiri.

*Xorazm viloyati.*



## CHIN DO'STING BO'LSA...

Otgan tong fusunkor ko'rinar ko'zga,  
G'am-qayg'u yo'lamas hech qachon yuzga,  
Boshing barobardir ko'kda yulduzga,  
Seni tirgab turgan bir do'sting bo'lsa.

Tegmaydi g'animgning otgan toshlari,  
Alamdan to'kilmas ko'zing yoshlari,  
Egolmas dunyoning qalam qoshlari,  
Yoningda ishongan chin do'sting bo'lsa.

Sinovlar o'tadir, o'tar bu umr,  
Qadringga yetganni sen ham tirgab tur,  
Bir kun ko'zlaringdan ketganida nur,  
Keksayish qiynamas chin do'sting bo'lsa.

Ichiga yutguvchi sening siringni,  
O'ziniki qilib g'am-u dardingni,  
Bilsa u biladi doim qadringni,  
Sinmaysan, unutmang, chin do'sting bo'lsa.

**Akobir ABDUG'ANIYEV,**  
IIV Namangan akademik litseyi  
o'quvchisi.





✓ **Терговни билимдонлар олиб боради**

## ТЕРГОВЧИ, АВВАЛАМБОР, ҲАЛОЛ БЎЛМОҒИ ЛОЗИМ, – дейди майор Сардор Жамилов

Бухоро шаҳридаги кўп қаватли уйлар олдида қўйилган «Дамас» русумли автомашиналар салонидан нақд пуллар ўғирланаётгани осойишталик посбонлари сергаклигини оширди. Чунки ўғирлик айнан ярим тунда амалга оширилар, бу пайтда шаҳар аҳли ширин уйкуда бўларди.

...Ўғирлар тўртинчи «ўлжа»ни қўлга киритди-ю, аммо нақд пулларни «ош» қилолмади. Чунки уларнинг эҳтиётсизлиги қилни қирқ ёрувчи экспертларга қўл келди. Ўғирлар биринкетин ушланди.

Эндиги вазифа адолатли тергов қилиб, инсон тақдирига бефарқ бўлмаслик. Бухоро шаҳар ИИОФМБ ҳузуридаги Тергов бўлими катта терговчиси, майор Сардор Жамиловга ушбу жиноят ишини тергов қилиш топширилди. Сардор бу соҳада анча тажриба ортирган, қолаверса, ҳамон ҳамкасблари билан маслаҳатлашиб, далил-исботлар асосида ҳар қандай жиноятни пухта ўрганadi. Сўнг синчковлик билан тергов ҳаракатларини олиб боради.

– Терговчи, авваламбор, ҳалол бўлмоғи



лозим. Айбдорнинг айбини исботлаб, жиноятга жазо муқаррарлигини таъминлашга, айбсизларни оқлашга ўз ҳиссасини қўшса, унинг юзи ёруғ бўлади, – дейди майор С. Жамилов.

Бу сўзларга, аввало, ўзи амал қилади. Ҳеч қачон вазифасига юзаки ёндашмайди, қўл учида ишламайди. Ўқишдан, изланишдан эринмайди.

Доимо илмий адабиётлар, бадий китоблар қўлидан тушмайди. Қонунларни мунтазам ўрганиб боради.

Қаҳрамонимиз сифатли ва адолатли тергов ҳаракатларини амалга оширганлиги боис раҳбарият томонидан кўп марта рағбатлантирилди.

**Мирзокул АҲАДОВ,**  
«Postda» мухбири.

Бухоро вилояти.

✓ **Миннатдорлик**

## ЯХШИЯМ, СИЗ БОР, ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ!

Ишга отланаётиб, йўлакда турган жомадонга кўзим тушди. Тонгда ҳам кўрувдим, кимники экан-а? Эгаси унутиб қолдирдимикин ёки... Ана шундай ўй-хаёллар билан ички ишлар органига кўнғироқ қилдим.

Орадан ўн дақиқа ҳам ўтмади, етиб келишди. Тегишли чораларни кўришди, эринмай ҳар битта хонадон эшигини қоқиб, юк кимга тегишли эканини суриштиришди. Ниҳоят, юк эгаси топилди. Юқори қаватда яшайдиган бир аёл сафардан қайтгач, уйига кираётиб унутиб қолдирган экан...

«Ҳа, энди бўлиб туради-да, нима қилибди шунга?!», дейишга шошилманг. Миллионлаб одамлар истиқомат қиладиган пойтахти азимда, эҳтимол, бундай воқеалар учраб турар. Бироқ, менимча, бу оддий ҳолат эмас. Ахир, тунларимиз осуда ўтиши, эрталаб бамайлихотир ишга, ўқишга отланишимиз замирида ички ишлар органлари ходимларининг машаққатли ва шарафли меҳнати мужассам.

Шундай экан, ҳар биримиздан «Бу уларнинг бурчи маошини олганидан кейин ишлашсин» деган фикрлардан йироқ бўлиб, хотиржамликка берилмасдан, ҳушёрроқ бўлиш талаб қилинади. Чунки бу Ватан – барчамизники. Биздан фарзандларимизга мерос қоладиган юрт бу...

Ўйлаганларимни қоғозга туширар эканман, ўзим яшайдиган Тошкент шаҳар Яшнобод тумани ички ишлар органлари ходимларининг тезкор хизмат фаолиятдан кўнглим тоғдек кўтарилганини таъкидламоқчиман. Уларга юрт осойишталиги йўлида ҳеч қачон ҳорманг, дейман.

**Ҳанифа ШАМШИЕВА.**

Тошкент шаҳри.

✓ **Она тилим – жону дилим**

## «ЙЎҚЛА» СЎЗИНИ ЙЎҚЛАБ

Йўқла – «Ўзбек тилининг этимологик луғати»да изоҳланишича, бу сўз қадимги тилимизда «мавжуд эмас» маъносини англатувчи «йок» сўздан келиб чиқиб, «ўлган кишини хотирлаш» мазмунини билдирган. Демак, «йўқлаш» «йўқ бўлди» маъносини англатган. «Сўзла»даги каби «йўқла» «йўқ деб қайта-қайта айт» дегани.

Қарангки, кейинги даврларда бу сўзнинг маъноси кенгайган. Чунки у тирик одамга нисбатан ҳам ишлатилади. Масалан, «Мени бирор марта ҳам йўқлаб келмади». Шу билан бирга бу сўзнинг ўлган одамга нисбатан қўлланилиши ҳам тўлиқ сақланиб қолган. Масалан, «У отасини йўқлаб-йўқлаб йиғлади».

Қизиғи шундаки, бу сўзни биз тирик одамга нисбатан ишлатаётганимизда, унинг туб маъноси ўлган киши билан боғланишини хаёлимизга ҳам келтирмаймиз. Бу сўзнинг «йўқлов» шакли фақат бир маънони – аза маросимидаги марсияни ифодалайди. Қолаверса, тирик одамга «борла» эмас-да, «йўқла»нинг қўлланилиши, «бормисан-йўқмисан» деб излаш маъносида келади. Шунинг учун ҳам тирикни йўқлаш, ҳар куни кўрадиган одамга эмас-да, онда-сонда кўринадиган одамга нисбатан қўлланилади.



Хуллас, «йўқла» сўзининг тилимизда иккинчи маъноси пайдо бўлиб, шаклланиб улгурган.

## БЕҚАСАМ ТЎН КИЙГАН «ЧЎТ»

Тилимизда «хомчўт» деган сўз тез-тез ишлатилади. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида изоҳланишича, бу сўзда «хом» – форсча бўлиб, чала ишланган, хомаки маъноларини англатади, «чўт» сўзи эса рус тилидаги «счёт»сўзининг ўзгарган шакли бўлиб, ҳисоб-китоб дегани. Демак, «хомчўт» – хомаки ҳисоб-китоб деган маънони билдиради.

Шунингдек, тилимизда «чўтинга тўғри келса», «чўт бермайди» деган иборалар ҳам борки, унда ҳам «счёт» ўзгарган. Қизиғи шундаки, «чўт» сўзи бутунлай ўзбекчалашиб кетган, ҳатто унинг русча эканлиги ҳам эсимиздан чиққан. Қачон қараманг, «чўт», «хомчўт» сўзларини эгнида беқасам тўн, бошида дўппи билан кўрасиз. Худди япон бобо – Като бобога ўхшаб. Бу сўз жонли тилда жуда кўп қўлланади. Эҳтимол, бунинг сабаби ҳисоб-китоб билан боғлиқлигидадир. Бундан ташқари, тилимизда қадимдан «теша» маъносини англатган «чўт» сўзи ҳам борки, бу бошқа мавзу.

**Эшқобил Шукурнинг «Бобо сўз изидан» китобидан.**





# IT-СЫЩИКИ, или Как расследуются киберпреступления

**В структуре УВД Самаркандской области в сентябре прошлого года открылся отдел по борьбе с киберпреступлениями. О том, как работает новое подразделение, мы спросили у начальника отдела капитана Азамата Юлдашева.**

– **С чего начиналась работа?**

– С технической модернизации отдела, покупки мощных компьютеров и другой необходимой техники. Тенденция к росту киберпреступности не снижается, поэтому мы должны быть технически вооружены, чтобы суметь своевременно раскрыть преступление.

– **Какие виды киберпреступлений встречаются чаще всего?**

– К нам поступило более 900 заявлений. Самым распространенным видом можно назвать мошенничество, жертвами которого становятся владельцы пластиковых карт. Преступники используют для получения кода, приходящего в виде SMS-уведомления, такие предлоги, как перевод средств или выдача выигрыша.

В последнее время участились случаи попыток присвоения денежных средств с использованием ложных предложений, побуждающих к получению якобы высокого дохода. Это различные рекламные акции, выигрыши в лотереях, брокерские услуги, участие в обмене валют, онлайн-обучение за границей, быстрое и легкое трудоустройство на высокодоходные рабочие места, обогащение с предварительными инвестициями, доставка товаров по низким ценам через онлайн-торговлю.

Самой актуальной платформой сейчас считается OLX, где выкладываются различные объявления о продаже какого-либо товара. Вам могут позвонить мошенники. Они представляются покупателями, предлагают внести залог за товар и отправляют ссылку на фальшивые сайты, сделанные один в один под стилистику платежной системы. Там нужно ввести номер карты получателя средств и код безопасности, полученный по SMS. Объясняют это тем, что оформят доставку. Как



только вы укажете номер карты, вам придет SMS о регистрации, мошенники получают доступ к карте. Деньги могут списать не сразу, например, на следующий день. Похожая схема действует и на других сайтах.

– **В соцсетях встречались случаи кибербуллинга – запугиваний, оскорблений и вымогательства, при котором преступники угрожают распространить личные данные и фотографии.**

– Кибербуллинг до сих пор актуален, есть люди, которые собирают данные, а затем шантажируют. Существуют специальные боты. Они собирают в мессенджерах данные о частной жизни граждан – сведения берутся из соцсетей (фото, имя, фамилия, адрес, другие факты). Затем мошенники добавляют в собранные данные ложную информацию, порочащую честь и достоинство пользователей, и требуют заплатить им выкуп за ее удаление.

– **С какими сложностями встречаются сотрудники при раскрытии киберпреступлений?**

– Мошенники становятся все более изощренными, играют на человеческих слабостях – желании сэкономить, финансовой неграмотности, доверчивости и невнимательности. Самое сложное то, что они привязывают чужую карту к своим данным, а затем используют ее как дроп (транзитный счет для вывода средств). Чтобы остаться незамеченными, ищут новые подходы и используют ино-

странные карты, криптовалюту и различные способы снятия денег со счетов.

Раскрыть преступление, совершенное иностранным гражданином, очень сложно, на это обычно уходят месяцы. В настоящее время участились случаи, обмана наших людей иностранными хакерами.

– **Как понять, что вам звонит мошенник?**

– Когда звонят и представляются сотрудником банка или платежных систем, задают несколько наводящих вопросов, информируют о возможных технических неполадках. Чтобы устранить проблему, просят дать код безопасности, который пришел в сообщении. Это простая схема авторизации пользователя опасна не только списанием денежных

средств. Через авторизацию злоумышленники получают полный пакет данных и доступ к счету, могут оформить кредит и совершить любую транзакцию.

Вам также могут позвонить и сообщить о бонусе, бесплатном товаре, существенной скидке на дорогие вещи. Могут предложить перейти по ссылке на сайт мошенников, который маскируется под настоящий, и ввести данные пластиковой карты, куда должен прийти перевод. Если у вас есть сомнения в подлинности предлагаемой веб-страницы, сравните ее с адресом официального сайта или веб-страницей соответствующей организации в интернете.

Вы заметили какие-либо изменения в вашем счете, подозрительные платежи, кредиты или депозиты, оформленные на ваше имя? Тогда необходимо обратиться в обслуживающий банк и уточнить информацию. Если подозрения не напрасны, необходимо сходить в ближайший ОВД и написать заявление. Сохранить все скриншоты переписок или звонков. Отдельно записать номер телефона и время звонка. Позвонить в банк и попросить заблокировать карту. Как причину, назвать мошенническое списание средств. Карту также можно заблокировать через платежные приложения банка.

Напоследок хочется предостеречь читателей: ни в коем случае не сообщайте никому одноразовый код подтверждения, полученный по SMS. Не сообщайте конфиденциальную информацию о вашей пластиковой карте или личную информацию тем, кто звонит и представляется банковским служащим, администратором платежной организации или другого государственного учреждения и запрашивает информацию о вашей карте или аккаунте в мобильном приложении банка. Они могут быть мошенниками.

– **Спасибо за содержательный разговор.**

**Беседовала  
Замира БАЛТАЕВА,  
корреспондент «На посту».  
Фото автора.**

*Самаркандская область.*





Соҳа маликалари

## МАҚСАДИ МУШТАРАК ЭГИЗАКЛАР

**Ички ишлар органларида тинчлик ва осойишталикни сақлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келаётган хотин-қизлар сафи ортиб бормоқда. Машаққатлардан сира чўчимай, зиммасидаги масъулиятли вазифани садоқат билан адо этиб келаётган опа-сингилларимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди.**

Чортоқ шаҳрида туғилган Фотима Каримова ва Зуҳра Ибрагимова (турмушга чиққач, фамилиялари ўзгарган) ҳақида ҳам ана шундай илиқ фикрларни айтиш мумкин.

– Амаким, катта лейтенант Фахриддин Тўрахўжаев хизмат вазифасини бажариш чоғида дунёдан кўз юмган, – дейди Зуҳра болалик хотиралари билан ўртоқлашаркан. – Эндигина ақлимизни таниган бўлсак-да, ўшанда ички ишлар органи ходими бўлиш шарафли вазифа, бурчга садоқатли бўлиш қахрамонлик эканини англаганмиз. Бу соҳани танлаганимизда эса, ҳаммадан кўра кўпроқ отам жуда хурсанд бўлганлар.

Фотима ва Зуҳра болалигиданоқ зукко ва тиришқоқ эди. Улар Чортоқ шаҳридаги 53-ихтисослашган мактаб-интернатни 2011 йилда тамомлаб, ИИБ Академиясига ҳужжат топширди. Зуҳрага омад кулиб боқиб,

курсантлар сафидан жой олди. Фотима эса икки йил тайёрланиб, учинчи йили ўқишга қабул қилинди.

Зуҳра 2014 йилда Академияни тамомлагач, Чортоқ тумани ИИБ Тергов бўлимида хизмат фаолиятини бошлади. Кейинроқ Наманган шаҳар ИИОФМБ Тергов бўлимида фаолиятини давом эттирди. Ўтган йилнинг июнь ойида эса Наманган давлат университетига профилактика инспектори этиб тайинланди.

Турмуш ўртоғи Акрамжон Каримов ҳозирда Давлатобод тумани ИИБ Жиноят қидирув бўлими тезкор ходими, капитан. Уларнинг ҳаётини қувончга тўлдирган фарзандлари – Ақобир 6, Меҳриноз 2 ёшда.

Фотима 2016 йилда Наманган тумани ИИБ Вояга етмаганлар ишлари бўйича инспектор лавозимида фаолиятини бошлаган бўлса, 2018 йили Чортоқ тумани ИИБ Пробация бўлимига ишга ўтди. Орадан бир йил



ўтиб, Чортоқ тумани ИИБ хотин-қизлар масалалари бўйича инспектори лавозимига тайинланди. У фаолияти мобайнида хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг оиладаги ўрнини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Ажримларнинг олдини олишда фаоллик кўрсатди. Фотиманинг турмуш ўртоғи Дониёр Ибрагимов вилоят ИИБ тезкор хизмати ходими, унвони капитан.

Ички ишлар органлари соҳасида хизмат қилиш осон эмас. Айниқса, аёл киши учун. Фарзанд тарбияси, уй юмушлари, тагин ички ишлар органи ходимининг аёли бўлиш масъулияти. Оилада ўзаро ҳурмат, тушуниш ва меҳр-муҳаббат бўлсагина, ҳар қандай қийинчиликни енгиб ўтиш мумкин. Шарафли касбнинг этагидан тутган эгизаклар – майор Фотима Каримова ва капитан Зуҳра Ибрагимова-

нинг ҳам ишда, ҳам оилада ўз ўрнига эга бўлиш сири шунда бўлса керак.

Опа-сингилларнинг ўз олдига қўйган мақсадлари катта. Эл тинчлигини сақлашдек муҳим ва масъулиятли вазифани адо этишда жонбозлик кўрсатаётган қахрамонларимизнинг келгуси ишларига муваффақиятлар тилаймиз.

**Гулчеҳра БУВАМИРЗАЕВА,**  
«Postda» мухбири.  
Наманган вилояти.

Инсон қадри учун

## ФУҚАРОЛАР МУАММОЛАРИ БИЛАН ЁЛГИЗ ҚОЛМАЙДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириғи асосида бир қанча вазирликлар, «Худудгаз таъминот» акциядорлик жамияти каби 13 та соҳа ва тизим масъулларидан таркиб топган республика ишчи гуруҳи Жиззах вилоятининг Арнасой туманида бўлиб, секторлар кесимида аҳоли муаммоларини ҳал қилиш чораларини кўрди. Хусусан, ИИБ мутасаддилари раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ аъзолари уйма-уй юриб, туманининг 3-секторида жойлашган 16 минг 834 киши истиқомат қиладиган Мирзо Бобур, Фафур Фулом номидаги, «Фолиблар» ва «Олтин водий» маҳаллаларидаги 2610 та хонадон аҳли билан мулоқот ўтказишди.**

Мазкур жараёнда 500 дан ортиқ муаммо аниқланиб, тегишли ташкилотлар кўмагида уларни ҳал

этиш чоралари кўрилди. Жумладан, Фафур Фулом номидаги маҳалладаги 12 та темир бетон устун



янгилашиб, 1820 метр қопламали электр тармоғи тортилди. Натижанда 34 та хонадоннинг электр таъминоти яхшиланди. Шунингдек, худуддаги 2 дона электр трансформатори таъмирланди. Фафур Фулом маҳалласининг Нурли осмон кўчасига эса 18 та ёритгич ўрнатилди.

Бундан ташқари, 400 метр масофага ичимлик суви тармоғи тортилди. 55 нафар эҳтиёжмандга 9 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди. Қолаверса, Жиззах вилояти ИИБ тиббиёт бўлими шифокорлари худуд аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказдилар.

– Вилоят марказидан 65 километр олисда жойлашган мазкур тумандаги 7 кунлик фаолиятимиз давомида мавжуд муаммоларни қисқа муддатларда ҳал этиш чораларини кўрдик, – дейди ишчи гуруҳ аъзоси, ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси хизмати катта инспектори, майор Баҳодир Худжамов. – Мазкур жараёнда биринчи навбатда эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатилди. Уларга кўмир, газ баллонларида суюлтирилган газ етказиб берилди. 11 кишига тикув машинаси, 2 киши эса бузоқли сигирлар билан таъминланди. 3 кишига тураржой-

ларини таъмирлаши учун қурилиш маҳсулотлари ажратилди. Ижтимоий дафтарларга киритилган аҳоли вакиллари иштирокида «Arnasoy gold teks» трикотаж корхонасида меҳнат ярмаркаси уюштирилиб, 58 киши ишга жойлаштирилди. Хуллас, масалага давлатимиз раҳбарининг «Ҳеч бир фуқаро ўзининг муаммолари билан ёлғиз қолмаслиги керак», деган талаби асосида ёндашдик.

Қолаверса, ишчи гуруҳ 41 кишига банк кредити, 84 кишига моддий ёрдам ажратилиши ҳамда 20 нафар фуқаронинг даволанишига ёрдам кўрсатди. 29 нафар ёшнинг олий таълим контракти ҳамда сафарбарлик чақируви резерви тўловлари қопланди. Ёнғин, ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш, тураржой ва ижтимоий соҳа объектларининг барқарор иситилиши масалалари ҳам эътибордан четда қолмади.

Республика ишчи гуруҳининг 7 кунлик фаолияти арнасойликларнинг кўп дардларини аритди, десак муболаға бўлмайди.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**  
«Postda» мухбири

Жиззах вилояти.



## Профилактика хизмати

## ХАЁТ - БУЮК ТУХФА

**«Истиқлол» маҳалласидаги очиқ суд мажлисида Ховос тумани жиноят ишлари бўйича суди томонидан оилавий можаро кўриб чиқилмоқда. Зиёкор кўчасида истиқомат қиладиган Алимбек ва Сабиаларнинг (исмлар ўзгартирилди) икки нафар фарзанди бор. Уларнинг турмуш қурганига олти йил бўлган.**

Дастлаб турмушлари ширин кечган. Эр-хотин аҳил бўлишган. Кейинчалик эса эр ичкиликка ружу қўйган. Ўртага совуқчилик тушган. Сабинанинг эътирозларига жавобан, Алимбек унга қўл кўтаришни бошлаган. Эрининг бу қилғиликлари тоқати тоқ бўлган Сабина профилактика инспекторига мурожаат қилади. Оилавий жанжал, эрининг қўл кўтаришига оид маъмурий иш кўзғатилади. Очиқ суд мажлисида Алимбекка нисбатан 15 кунлик қамоқ маъмурий жазо чораси кўрилди.

«Истиқлол» маҳалласи Ховос шаҳарчасининг



Тожикистон Республикаси билан чегараси бўйлаб жойлашган. Маҳаллада уч мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Аҳоли сони салмоқли бўлишига қарамай, нотинч оилалар сони бор-йўғи учтагина. Икки йил олдин вазият бошқача эди. Маҳаллада ўн битта ажрим ёқасидаги оила мавжуд эди. Маҳалладаги беш нафар масъул шахснинг хонадонма-хонадон юриши, муаммоларни доимий ўрганиши, масалаларнинг ўз вақтида ечилиши натижасида маҳаллада муҳит яхшиланиб борди.

Маҳалланинг «Аёллар дафтари»да 24 нафар шахс рўйхатда туради. Ўтган йили уларнинг 11 нафари субсидия, имтиёзли кредит орқали иш билан таъминланди. Хусусан, маҳаллада 4 та кичик тикув цехи ташкил этилди, ўттиздан ортиқ аёллар ишга жалб қилинди. Маҳалла аҳолисининг 1700 нафари ёшлар. Шу боис маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг ол-

дини олишга қаратилган тарғибот тадбирлари кўп ўтказилади. Айниқса, туман ИИБ томонидан ташкил этилган спорт тадбирлари маҳалла ёшларини бўш вақтларини мазмунли ташкил этишда муҳим омил бўлмоқда. Ҳар бир кўча, ёш тоифаси бўйича футбол жамоалари тузилгани, улар ўртасида соғлом рақобатнинг мавжудлиги мусобақаларнинг қизгин ўтишига сабаб бўлмоқда. Маҳаллада миллий кураш баҳсларига ҳам қизиқиш катта. Бу тадбирлар аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи оммалашишига яхшигина хизмат қилмоқда. Спорт ва бошқа маънавий тадбирлар натижасида жиноятчиликни тизгинлашга муваффақ бўлинмоқда.

Маҳаллада олиб борилаётган профилактик тадбирлар, жиноятчилик билан кураш бўйича яна кўплаб маълумотлар келтириш мумкин. Энг муҳими, одамларга ҳаёт буюк туҳфа экани, ундан тўғри фойдаланиш зарурлиги, ҳалол, покиза яшаш, оила муқаддаслигини сақлаш, қонунларга итоат этиш ҳар бир шахснинг бурчи экани тарғиб қилиб борилмоқда.

**Алишер ҚОДИРОВ,**  
Ховос тумани ИИБ ЖХХ ҲПБ  
профилактика инспектори,  
катта лейтенант.

Сирдарё вилояти.

## Мутахассис минбари

## БОЛАЛАР ИШТИРОКИДАГИ ЙЎЛ-ТРАНСПОРТ ҲОДИСАЛАРИ

келиб чиқиш сабаблари ва олдини олиш чоралари

**Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, йўл-транспорт ҳодисалари натижасида ҳар йили 1,35 миллиондан зиёд киши ҳалок бўлади, 50 миллиондан ортиқ кишига турли оғирликдаги тан жароҳатлари етказилади. Йўлларда ҳалок бўлаётганларнинг ярмидан кўпини «ожиз фойдаланувчилар» – пиёдалар, велосипедчилар ва мотоциклчилар ташкил этади.**

Сенатда бўлиб ўтган автомобиль йўлларида хавфсизликни таъминлашга оид йиғилишда маълум қилинишича, Ўзбекистонда биргина 2022 йилнинг январь — октябрь ойларида 7 636 та йўл-транспорт ҳодисаси содир этилган. Уларда 7 174 нафар фуқаро жароҳатланган, 1 931 нафар фуқаро дунёдан кўз юмган. Ҳалок бўлганларнинг 226 нафари ёш болалардир. 200 нафардан зиёд боланинг йўл-транспорт ҳодисасида вафот этиши жамиятимиз учун катта фожиа бўлиб, барчамизда бирдек ташвиш уйғотади.

Йўл-транспорт ҳодисаларида болаларнинг жароҳатланиши билан боғлиқ ҳолатларни ўрганиш мақсадида Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиалининг Қибрай тумани суд-тиббий экспертиза бўлимида 2017—2021 йилларда ўтказилган эксперт хулосалари ўрганилди ва статистик кўрсаткичлар таҳлил қилинди.

Ўтказилган экспертлар орасида йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш билан боғлиқ 134 та ўлим ҳолати қайд этилган. Улардан 9 таси

болалар иштирокида ва барчаси катта йўлларда юз берган. Мактабгача таълим муассасалари ва мактаблар атрофида йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш мавжуд эмас. Шунингдек, 7-12 ва 12-16 ёш оралиғида бўлган болаларда ўлим кўрсаткичи бошқа ёшдагиларга нисбатан юқорилиги; қиш фаслида ва ҳафтанинг сешанба куни ҳамда сутканинг кундузги қисмида ўлим ҳолатлари кўп қайд этилгани аниқланди.

**Охириги 5 йилда тирик шахсларга оид 4358 та суд-тиббий экспертизаси ўтказилган. Шундан 1204 таси йўл-транспорт ҳодисасидан жароҳатланиш бўлиб уларнинг 198 таси болалар иштирокида юз берган. 7-12 ёш**

**ва 12-16 ёш оралиғида бўлган болаларда жароҳатланиш кўрсаткичи бошқа ёшдагиларга нисбатан юқорилиги; баҳор ва ёз фаслларида, ҳафтанинг душанба ва сешанба кунларида ҳамда сутканинг кундузги қисмида жароҳатланиш ҳолатлари кўп қайд этилган.**

Йўл-транспорт ҳодисаларида болаларнинг жароҳатланиши билан боғлиқ ушбу ҳолатларнинг вужудга келишида аҳамиятли бўлган омиллар – пиёдалар йўлнинг белгиланмаган жойидан ўтиши, белгиланган тезликка риоя қилмаслик, велосипед йўлакларни ташкил этилмагани, ҳайдовчи ва йўловчиларни хавфсизлик камаридан фойдаланмаслиги, автотранспортни болаларни олиб юришга

мўлжалланган ўриндиқлар билан жиҳозламаслик, автомобилни маст ҳолатда бошқариш ва ҳоказоларни ўрганиш ва бартараф қилишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқишни муаммонинг ечими сифатида баҳолаш мумкин. Таъкидлаш лозимки, йўл-транспорт ҳодисалари бўйича таълим муассасаларида мунтазам тарзда кенг тушунтириш ишларини олиб боришда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари билан бир қаторда, тиббиёт ходимларининг ҳам иштироки муҳим аҳамият касб этади.

**Раббим ТОЖИҚУЛОВ,**  
Қибрай тумани масъул олий тоифали давлат суд-тиббий эксперти.

**Фарҳод ЛОЧИНОВ,**  
Тошкент тиббиёт академияси катта ўқитувчиси, тиббиёт фанлари номзоди.





Salomatlik saboqlari

## DORI ICHISHGA

Tanada yengil bezovtalik yoki og'riq hissi dori qabul qilish uchun sabab emas. Uning o'rniga salomatlikni tiklash va immunitetni oshirish uchun ko'pgina tabiiy usullar mavjud.

**1. Limon-asalli suv va zaytun yog'i yoshlik elik-siridir.** Ertalab och qoringa nonushtadan yarim soat oldin bir choy qoshiq zaytun yog'i, uning ustidan limon va asal qo'shilgan iliq suv iching. Bu ichimlik hazm faoliyatini yaxshilab, tanani ortiqcha shlaklardan tozalaydi, ertalabdan organizmni vitaminlar bilan ta'minlaydi.



**2.** Qon bosimini tushirish uchun esa **zanjabilli choy** qaynating. Buning uchun po'sti archilgan zanjabilni maydalab, quritilgan yalpiz barglarini qo'shing va ustidan qaynoq suv quyib, 7–10 daqiqa tindiring. So'ngra limon va asal solib iste'mol qiling.

**3.** Tomoqdagi og'riqdan

**chinnigul ziravori** xalos etishi mumkin. Uning uch-to'rt donasini og'izda imkon qadar ko'proq ushlab turing, vaqti-vaqti bilan yangisiga almashtirgan holda, kun bo'yi shimib yursa ham bo'ladi. Tomoqdagi og'riq susayadi. Ushbu o'simlik kuchli antiseptik bo'lib, hatto anginada ham yordam beradi.

**4.** Qon bosimini oshirish uchun **bir finjon tabiiy qahvani** achchiq damlab ichish kifoya.

**5.** Xonada barglari u qadar yopimlida ega bo'lmagan yorongul

(geran) o'sayotgan bo'lsa, u bosh og'rig'ida sizga shifo ulashishi mumkin. Shunchaki o'simlikning barglarini ohista silkitib, ifor chiqarishini kut-



ing va bir necha marta chuqur nafas oling.

**6.** Shamollash va tumovda **zanjabil** o'ta foydali. U qizdiruvchi ta'sirga ega bo'lib, qon aylanishini yaxshilaydi.

**7.** **Asal** eng yaxshi uyqu doridir. Kechqurun uxlash oldidan bir choy qoshiq asal yeng va sokin, chuqur uyquga keting.

**8.** Shamolash, gripp, anginada tabiiy **olma sirkasi** yordamga keladi. Unga 1:1 miqdorida suv qo'shib, o'zgina

asal soling. Bunday ichimlik chanqoqni qondiradi, haroratni tushiradi, organizmni S vitamini bilan to'yintiradi va tezda sog'ayishga xizmat qiladi.

**9.** Tananing biron joyi kuygan bo'lsa, darhol unga **muz** bosing yoki oqib turgan **sovuq suv** ostida 2–3 daqiqa tutib turing. Keyin kuygan joyga asal surtib qo'ying. Yarim

soatcha jizillagan kuchli og'riq seziladi. Biroz sabr qilsangiz, jarohatdan hech bir iz qolmaydi.

**10.** Bosh og'risa, bir piyola **toza suv** iching. 15–20 daqiqadan so'ng og'riq o'z-o'zidan chekinadi. Ba'zan organizm suv yetishmovchiligi haqida shu tariqa signal beradi.

**11.** **Jambil o'simligi** balg'am ko'chiruvchi samarali vositadir. Bronxitda uning damlamasini iching va sog'ayish nisbatan tez kechadi. Lekin bu ichimlikni kechqurun

## SHOSHILMANG



iste'mol qilmagan ma'qul, chunki u peshob haydash xususiyatiga ega.

**12.** Tumovni hech bir tomchi dorilarsiz 2–3 kun ichida davolash mumkin. **Kalanxoe o'simligi** sharbati bu borada yaxshi yordamchi bo'lib, yallig'lanishni tuzatadi. Uy sharoitida oddiy ingalyatsiya o'tkaz-

zing: 1,5–2 litr suv qaynatib, 5–7 tomchidan evkalipt, choy daraxti, qarag'ay efir moylaridan soling va boshingizga sochiq yopib, suv iligunga qadar burun va tomoq yo'llarini bug' ustida tutganча chuqur-chuqur nafas oling. Bu muolajani kechki mahal yoki kamida 3 soat xonadan tashqariga chiqmaslik sharti bilan kunduzi amalga oshirish mumkin.

**Gulchehra AZIMOVA** tayyorladi.

Tavsiyalarga amal qilishdan oldin shifokor bilan maslahatlashing.

## ПОСКОЛЬЗНУЛСЯ, УПАЛ...

Чаще всего зимой к нам обращаются с переломами лучевой кости, голеностопа, ключицы, растяжениями и вывихами, а также с черепно-мозговыми травмами. Помимо механических травм, в зимний период легко получить и термические: обморожения и переохлаждения не менее опасны, чем ушибы и растяжения, и требуют внимания врача.

Наибольшую опасность травмы, полученные при падении, представляют для пожилых людей и тех, кто страдает остеопорозом: при сниженной эластичности костей возникают переломы конечностей, ребер и даже позвоночника, которые долго не заживают. Хрупкость костей часто приводит к перелому шейки бедра.

На покрытом льдом или утрамбованном снегом асфальте очень легко поскользнуться и упасть, получив травму голеностопа – растяжение или перелом лодыжки. И в том и другом случае щиколотка краснеет, отекает, увеличивается в объеме и болит. Открытый перелом видно невооруженным глазом, а вот закрытый диагностирует врач после осмотра и рентгена. Однако пострадавший может попробовать самостоятельно выяснить, не повреждена ли кость, аккуратно сдавив пальцами лодыжку справа и слева. Если при воздействии на выступающие части сустава боль

отсутствует, то скорее всего это растяжение.

Одно из самых неприятных и болезненных увечий – ушиб или



перелом копчика. Его можно получить при обычном падении по дороге домой с работы. Боль в копчике обязательно даст о себе знать, в тяжелых случаях она просто невыносима. Отличить ушиб от перелома не составит труда. В первом случае на месте травмы отсутствует

кровоподтек, да и болевой синдром не такой резкий и интенсивный. Перелом существенно затруднит передвижение, а боль будет давить о себе знать постоянно.

Ушиб копчика может сочетаться с растяжением связок или их разрывом, поэтому не стоит пускать все на самотек, так как последствия могут быть самыми серьезными, начиная с гематомы и заканчивая повреждением спинного мозга. А в случае с переломом ситуация еще более серьезная и требует обязательного лечения и наблюдения врача. Больному придется в течение нескольких месяцев сидеть на специальных подушках, заниматься лечебной физкультурой, ходить на физиопроцедуры и массаж.

Теперь несколько слов о переохлаждении, которое негативно влияет на человека. Температура может снизиться до таких отметок, что все процессы жизнедеятельности постепенно начнут угасать, и если пострадавшему вовремя не оказать помощь, то и вовсе остановятся. Причем переохладиться можно не только при существенном понижении температуры воздуха. Замерзнуть можно

и при показателях на градуснике выше 0°C, если выйти на улицу в неподходящей или мокрой одежде.

Когда человек чувствует, что замерзает, необходимо повысить его двигательную активность – побегать, попрыгать. Как вариант, перекачаться с пятки на носок, шевелить пальцами в обуви, совершать вращательные движения стопами и махи руками. Кисти можно спрятать под мышки, а уши и нос периодически растирать руками. Желательно как можно скорее попасть в теплое помещение, выпить горячего чая, но не алкоголя. Первая помощь заключается в поэтапном и медленном согревании.

Как известно, лучшее лечение – это профилактика. Позаботьтесь о себе и близких: проверяйте прогноз погоды перед выходом из дома и перед спортивными занятиями на свежем воздухе, изучите инструкции по оказанию первой помощи, при необходимости приобретите необходимые аксессуары для предотвращения поскользвания.

**Илхомжон УМАРОВ,**  
врач-травматолог  
поликлиники медицинского  
отдела УВД Андижанской  
области.





## ЯХШИЛИКНИ ЕР ҲОТМАЙДИ

Бу воқеа анча йил бурун содир бўлганди.

... Туман марказида биргина китоб дўкони бор. Аксига олиб у ҳам ёпиқ.

Ўсмирнинг кўнгли ўксиди. Ҳазилми, ўн чақирим наридаги қишлоқдан яёв келди. Дўкон эса берк.

У боғ ичида, очиқ осмон остидаги ошхона ўриндиғига чўкди. Чарчаганди.

Қаршисидаги эшикдан кўз узмасди; зора очилиб қолса... Қаёқда... Кўзи илинди.

Нимадир тарақлади. Ёнидаги стол устида турган юпка елим пакет ичидаги китобларни кўрди. Беихтиёр стол томон юрди, беихтиёр елим тўрвани очиб, қўл суқди. Китобларни кўрмоқчи.

Шу тобда йўлакнинг нариги бетида кузатиб турган икки миршаб учиб келишди, Худо билади, шундоқ ўсмирнинг қаршисида пайдо бўлишди. Бири ўғлоннинг елкасидан маҳкам ушлади, иккинчиси қўлига кишан урди. Айни чоғда жўмракдан оқаётган сувда қўл юваётган савлатдор, дароз аёл булар томон кўз қадади-да, бироз серрайди. Сўнг айиқдай лапанглаб бу ёққа югургилади.

– Бу нарса сизникими? – сўради миршаблардан бири. – Ичида нималар бор эди?

– Бозорлик учун олиб чиққан пулим... яна иккита китоб бор эди. – Аёл хансиради ва эсанкираб, нима қиларию нима деярини билмай қалтираётган ўсмирга еб кўйгудай бўлиб ўқрайди. – Уялмайсанми, ер юткур! Бўйингга қара, ўғри...

Ўсмир бир сапчиб тушди. Қўрқиб кетганидан баттар қалтирай бошлади. Ҳуши учиб, тили танглайга ёпишиб қолганди гўё.

– М...м... мен.. мен к...к...китоб.

Икки миршаб уни ўртага солиб, йўлнинг нариги бетидаги мелисахонага олиб кетишди. Аёл ҳам хансираган кўйи, ноилож, ғудраниб-судраниб уларнинг ортидан эргашди.

Миршаббоши тушликка чиқаётганди, уларга ҳовлида дуч келди. Не бир муғомбиру муттаҳамларнинг кўзига қараб ичидаги ни суғуриб олиш синоатини эгаллаган миршаббоши икки ходим орасида тайсаллаётган ўспиринни кўриши ҳамано кўнглида бир илиқлик уйғонди: ўғлоннинг юзида алланечук маъсумлик ва озурдалик титрар, лаблари пир-пир учиб, ўпкаси тўлиб энтиқиши жоҳиллик ва қувлик кўчасига ҳали кириб улгурмаганидан дарак берарди.

– Нима гап?

– Ки... китоб... мен китоб...

Ўғлон кутилмаганда юз берган



бу ҳолатдан ҳамон ўзига келмаганди. Йиғлаб юборди.

Миршаббоши уни ўз хонасига бошлаб кирди. Сўроққа тутмади, узоқ суҳбатлашди.

– Бор, ҳозирча йўлакда кутиб тур, – деди йигитга. Унинг кўнгли ёришди ва аёлни чақиртирди.

Аёл бобиллайверди. Бояқиш болани нима деса, деди. Қирдан олиб ерга, ердан олиб гўрга урди.

– Қисқароқ қилинг! – Ижирғанди миршаббоши.

– Қарасам пакетни олиб қочмоқчи. Ичида пулим бор эди. Хайрият-е, ходимларингиз ўғри ўлгурни ушлаб қолишди. Бор-будимдан айрилаёзувдим.

Миршаббоши аёлга синчовона назар ташлади:

– Китоблар-чи? Китобларни ҳам олиб кетмоқчи эди-ку. Улар сизникимиди?

– Э-е-ей ўлсин-а, шу китоблариям. Меникимас, ҳамсоямиз Тўйчи малимга олвудим. Денов борсангиз фалон китобларни об кеп беринг, деб айтвуди. Пулини ҳам бервуди. Ўзимнинг пулим ҳам шу зормандалар солинган пакетда эди-да...

– Майли, бораверинг. Болани жазолаймиз.

– Албатта, жазоланглар. Бундай касапатларнинг камайгани яхши.

Аёл яна нималардир деб шанфиллади-да, чиқиб кетди.

Миршаббоши ўз ходимлари, ҳалиги икки шоввозни чақирди. Чўнтагидан пул чиқарди:

– Мановини ол, Жўраев! – деди улардан бирига. – Ҳозир бола билан китоб дўконига борсан. Агар очиқ бўлмаса, сотувчини ернинг тагидан бўлса ҳам топ.

Йигитчага хоҳлаган китобларини олиб бер. Мендан совға бўлсин. Кейин машина тўхтатиб, уйига жўнатворасан. Тушундингми? – Бошлиқ ҳардамхаёл бўлиб турган ходимларига ачиниш ҳисси билан қаради ва давом этди:

– Иккаланг бугундан бошлаб ҳар ой маош олганигда ўша боланинг уйига галма-гал бир донадан китоб олиб борасан. Майли, мени ҳам кўшинглар сизларга шерик бўламан. Қандай китоб олишларингни ўзим айтман. Билиб кўйинглар, яхшиликни ер ютиб кетмайди. Тушунарлими?!

– Т.. т... тушунарли.

Бошлиқ ўзига бақрайиб қараб туришган иккала «тутонғич азамат»га ўкинч билан термилди.

– У бизни, ҳамамизни, дунёни қутқармоқчи. Сенлар умрингда бирорта китоб ўқиганмисанлар? Айтларинг, мен ўша китобдан савол бераман.

Икковлон лол. Икковлон без. Икковлон тош. Икковлон жим.

– Демак, аввал ўзларинг ўқийсанлар, кейин болага обориб берасанлар. Бу – буйруқ!

Икковлон карахт. Икковлон тил-забонсиз.

Миршаббоши иккисига ачиниб қаради. Хўрсинди:

– Ҳа, у бола бизни қутқармоқчи. Сенлар эса буни тушунмайсанлар.

...Биласизми, миршаббоши машҳур ўзбек адибининг ўғли эди. Отасини кимлигини айтсам, танийсиз. Балки, ўзингиз билгандирсиз. Аҳамияти йўқ; билсангиз нима-ю, билмасангиз нима...

Яна бир гап айтмайми?

Ўспирин ҳам ўзи излаб юрган китоблардан бирининг муаллифи

миршаббошининг падари бузруквори эканлигини билмасди. Билса нима-ю, билмаса нима...

...Орадан йиллар ўтди. Йиллар кечди. Йиллар учди. Вақт парвози фалакни қучди – ўртада ўттиз беш баҳор қанот қоқди.

Вилоят марказидаги муҳташам маскан – Маданият саройида китобхонликка бағишланган маънавий анжуман бўляпти. Ҳукумат қарори билан ўтказилаётган бу тадбирда воҳанинг меҳнат фаришлари, айниқса, ёшлар жамулжам. Куй-қўшиқ орасида шу замин фарзанди, таниқли адиб, халқ ёзувчисини минбарга таклиф қилишди. Адиб давра аҳлига, айниқса, ёш-ялангларга қарата инсон камолотида китобнинг ўрни ҳақида сўзлашга чоғланди-ю, туйқус ўспиринлигини ёдга олди, беихтиёр хаёлида жонланган манзара – юқорида мен сизларга ҳикоя қилган воқеаларни сўзлай бошлади.

Шу онда биринчи қаторда, рўпарасида жилмайиб ўтирган қарияга нигоҳи тушиб, юраги жиз этди. Ундан бир муддат кўз узмай тош қотди. Юраги ҳаққириб кетди. Гапи чала қолди. Гапини йўқотиб қўйди. Бироз довдиради. Тадбирда, йиғин аҳли қошида турганини ҳам унутган каби минбарни тарк этиб, қария томон юрди. Анжуман аҳли ҳайратда.

– Бу киши узоқ йиллар ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорасида ишлаган. Билсангиз керак, у кишининг ҳам дадалари ёзувчи ўтган, – изоҳ берди унга эргашган тадбир ташкилотчиларидан бири.

– Биламан, биламан... – деди ёзувчи оғир ютиниб.

Юзида табассум балққан оқсоқол ҳам ўрнидан турди. Улар бир зумгина тик қотишди. Адибнинг миждаларида ёш қалқди. У бундан ўттиз беш йил олдинги меҳр ва одамийлик чўғи йилтиллаган кадрдон нигоҳни, ўша миршаббошининг нигоҳини ёзувчига хос синчовлик билан таниб олганди. Кўнглида: «Қанча йиллар ўтса-да, инсоннинг кўзлари ҳеч қачон ўзгармаскан...», деган ўй шуъла таратди.

Улар бир-бирларига қучоқ очишди.

Шу тобда икки буюк инсоннинг қалбида қандай туйғулар мавж ураётганини тасвирлашга ожизлик қиламиз. Бироқ қачондир, кимгадир қилинган яхшиликни ер ютиб кетмаслигига амин бўлаётган экансиз, бизга шу етарли.

Ҳа, яхшиликни ер ютмайди. Шундай эмасми, нима дедингиз?

**Кўчқор НОРҚОБИЛ.**

4.01.2023 йил.





## Короткой строкой



### Джизакская область.

**В нынешние холода неисправный автомобиль может стать причиной серьезных проблем для водителя.**

Грузовая автомашина, находившаяся под управлением гражданина Турции Айава Мехмета, сломалась на участке трассы М-39 в Галляаральском районе. Однако водитель не остался один на один с возникшей проблемой. На помощь пришли сотрудники батальона ППС УООП СОБ УВД Джизакской области рядовые Аброр Рахмонов и Шахриддин Кулдошов.

Водителю, чтобы он мог отогреться и отдохнуть, была предоставлена койка в теплом помещении, а его автомобиль взят под наблюдение камеры видеонаблюдения.

Соб. корр.

### Хорезмская область.

11 января в 21.10 на 29-м километре автомобильной дороги 4Р264, пролегающей через территорию Янгибазарского района Хорезмской области, произошло ДТП. Житель махалли Халкобод на автомобиле марки Kia сбил пешехода, который в результате полученных травм скончался в больнице.



В махалле состоялось собрание. В нем приняли участие сотрудники УБДД УВД области, районного ОВД, жители махалли. Речь шла о причинах дорожно-транспортного происшествия, унесшего жизнь человека.

О роковых последствиях данного ДТП говорили председатель и активисты МСГ. В ходе обсуждения указывалось на необходимость неукоснительного соблюдения всеми участниками дорожного движения установленных правил.

Соб. корр.

## СОВМЕСТНЫМИ УСИЛИЯМИ

### г. Ташкент.

Во всех районах Ташкента действуют оперативные штабы по разрешению проблем, с которыми в эти дни сталкиваются горожане. В состав рабочей группы, созданной в Мирзо-Улугбекском районе, включены и представители Академии МВД.



Во взаимодействии с активом махаллей навещаются малообеспеченные, нуждающиеся в социальной поддержке семьи, люди преклонного возраста. Им доставляются горячее питание, необходимые лекарства, обогревательные приборы. В ходе посещения изучаются волнующие граждан вопросы, принимаются меры к их разрешению совместно с ответственными работниками на местах.

Кроме того, к районным электро-, газоснабжающим предприятиям, коммунальным организациям прикреплены сотрудники в целях оперативного решения поступающих обращений.

Соб. корр.

## ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

(с 23 по 29 января)



**Овен.** Хорошее время для профилактических процедур по укреплению здоровья, закаливания, всевозможных чисток организма. Вы будете настроены по-деловому, что позволит успешно урегулировать многие практические вопросы, навести порядок в делах, сделать генеральную уборку в квартире.



**Телец.** Намечается рост творческого потенциала. Рекомендуется заниматься самообразованием, посвящать время увлечениям, хобби, ходить на концерты любимых исполнителей. В то же время необходимо уделять внимание здоровью. Возможны ухудшение самочувствия, недомогание, повышенная утомляемость.



**Близнецы.** Можно обсуждать вопросы, касающиеся наследования имущества, составления завещаний. Хорошее время для подведения финансового баланса семьи, подсчета доходов и расходов, планирования крупных покупок и решения вопросов, касающихся денежных сбережений на банковских счетах.



**Рак.** Благоприятный период для совершения коротких деловых и развлекательных поездок за город, встреч с друзьями, общения по телефону. Возрастает роль и значение братьев и сестер в вашей жизни. Возможно, будете вовлечены в связанные с ними события. Наберитесь терпения и мудрости.



**Лев.** Будете успешны в профессиональной деятельности, финансовых вопросах. Усиливается иммунитет, благодаря чему сможете быстро преодолеть болезнь. Возможно, вам захочется навести идеальный порядок в доме, разложить все вещи по полочкам. С этой задачей вы легко справитесь.



**Дева.** Необходимо критически переосмыслить последние обстоятельства вашей жизни, провести работу над ошибками и сделать выводы на будущее. Конец недели может быть связан с трудностями при зарабатывании и расходовании денег. Не исключены финансовые потери, убытки от неудачных вложений и покупок.



**Весы.** Это время желательно провести в уединении, дома. Возможно, захочется разобраться в своих чувствах, спокойно обдумать текущие дела. Никаких активных действий пока предпринимать не следует. Если обратятся за помощью, не отказывайте, даже если вас попросит о ней незнакомый человек.



**Скорпион.** Усиливается потребность в контактах с людьми, установлении и поддержании дружеских отношений. Хороший период для обучения. Попробуйте вернуться к изучению материала, который ранее не получалось усвоить. Если до вас дойдут слухи и сплетни, не реагируйте на них.



**Стрелец.** Основное внимание надо уделить решению материальных вопросов, ситуация будет благополучной. Подходящее время для внесения корректив в стратегические планы. Некоторые важные дела сейчас лучше не форсировать. В общении с друзьями камнем преткновения могут стать деньги.



**Козерог.** Благоприятный период для формирования или пересмотра некоторых морально-нравственных ориентиров. Возможно, вы познакомитесь с человеком, который многому вас научит. Если внешние обстоятельства будут складываться не в вашу пользу, отложите решение вопросов на потом.



**Водолей.** Вы сможете понять многое из того, что раньше было недоступно. Желание докопаться до истины будет вознаграждено личными открытиями. В конце недели следует строго блюсти закон, не допускать никаких нарушений. В противном случае могут быть неприятности.



**Рыбы.** Это хорошее время для встреч с друзьями в кафе или ресторане. Не исключены неожиданности, из-за которых вам придется оперативно менять свои планы. Воздержитесь от интенсивных спортивных тренировок и участия в спортивных командных играх, возможны травмы.



Сифатли таълим – тараққиёт пойдевори

## МУВАФФАҚИЯТЛАРИ БАРДАВОМ ДАРГОҲ

Нукус шаҳридаги «Темурбеклар мактаби» юксак интеллектуал салоҳиятга эга, давлат манфаатлари ва суверенитетини ҳимоя қилишга қодир ёш авлодни тарбиялаш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва ҳарбий соҳалар учун муносиб кадрлар тайёрлашда ўзига хос мактаб яратган таълим муассасалардан биридир.

Айни кунда бу ерда 206 нафар ўқувчига 40 дан ортиқ устозлар таълим-тарбия бериб, ўтган йили давомида бир қатор муваффақиятлар қўлга киритилди. Хусусан, ўтган йил июнь ойида Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ўтказилган «Энг намунали таълим муассасаси» танловида лицей жамоаси 3-ўринни қўлга киритди. Мактабнинг рус тили фани ўқитувчиси Гулнара Сейтназарова танловнинг «Энг намунали ўқитувчи» номинацияси, 2-курс ўқувчиси Азизбек Худайбергенов эса «Энг намунали китобхон» номинацияси ғолиби бўлишди. Ноябрь ойида бўлиб ўтган фан олимпиадаларининг III босқич якунларига кўра, лицейнинг 3 нафар ўқувчиси ғолиб ва совриндорлар сафидан жой олди.

Россия Федерациясининг Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкиллаштирилган «Очей очарованье» танловининг 2022 йил 17–20 декабрь кунлари Нижний Тагил шаҳрида бўлиб ўтган мусобақасида лицей



жамоаси ҳам муносиб иштирок этди. 19 давлат вакиллари иштирокида бўлиб ўтган танловда лицейнинг рус тили фани ўқитувчиси Ольга Утемуратова 1-ўрин, 25 ёшгача бўлган иштирокчилар орасидан лицейнинг I курс ўқувчиси Жасур Умаров 2-ўринга муносиб деб топилди.



Шунингдек, лицейнинг инглиз тили фани ўқитувчиси Баҳодир Мамбеткаримов АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан ташкил этилган лойиҳада ғолиб бўлиб, дунёнинг энг кучли инглиз

тили фани ўқитувчилари билан биргаликда Шимол-Каролина штати ўқув курсларида иштирок этиб қайтди.

Ўқув йили давомида 19 нафар ўқувчи хорижий тилни билиш даражаси бўйича B2 сертификатига, 89 нафари IT сертификатларига эга бўлишди.

Ўйлаймизки, келгусида ушбу таълим муассасасининг ютуқ ва муваффақиятлари бардавом бўлади.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**  
«Postda» муҳбири.

Қорақалпоғистон Республикаси.

MUASSIS:  
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –

polkovnik  
Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosarlari –

mayor Azizjon FAYZIYEV  
kapitan Aziza BOHODIROVA

Mas'ul kotiblar –

Jahongir SHAROFBOYEV  
Erkin SATTOROV

Navbatchilar –

Sherzod ABDUSAMADOV  
Dinara SHAMUXAMEDOVA

Sahifalovchilar –

Zokir BOLTAYEV  
Ilhom JUMANOV  
Akbar BOLTAYEV

Fotomuxbirlar –

Abu KENJAYEV  
Ikrom HASANOV

TELEFONLAR:

71-231-33-88;

Faks: 71-231-40-05.

Obuna masalalari  
bo'yicha:

71-231-38-74;

97-420-89-24

Web-site: www.postda.uz

E-mail: info@postda.uz

ISSN 2010-5355



Tahririyat hisob raqami  
2021000600447980001.

Bank kodi 01037.

ATB

«Qishloqqurilishbank»  
Sergeli bank  
xizmatlari ofisi.  
STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'l-yozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.

Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxonada manzili:

Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Buyurtma №V-5374.

Bosilish – ofset usulida.

Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 50451 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:

Yakka tartibda – 180.

Tashkilotlar uchun – 366.

Bosishga topshirish vaqti – 22.00.

Bosishga topshirildi – 21.00.

Sotuvda kelishilgan narxda.

MANZILIMIZ:

100070, Toshkent shahri,  
Shota Rustaveli 1-berk  
ko'chasi 9-uy.